**Биз ўз олдимизга жамиятимизнинг янги қиёфасини яратиш, Янги Ўзбекистонни барпо этиш масаласини стратегик вазифа сифатида қўйдик.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

*O'zingni angla!*

# Hurriyat

*Mustaqil gazeta*

2023-yil
23-noyabr
payshanba
№ 45 (1368)

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * www.uzhurriyat.uz * gazhurriyat@mail.ru * t.me/hurriyatuz * Hurriyat gazetasi

**МУШОҲАДА**

# МЕНИНГ ПРЕЗИДЕНТИМ — МЕНИНГ ФАХРИМ

## *Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 16-17 ноябрь кунлари Сурхондарё вилоятига қилган навбатдаги ташрифидан кейинги ўйлар*



**Одам боласига ҳамиша нимадир етишмайди, гоҳ у нарса, гоҳ бу нарса. Чунки ҳаёт бор экан, инсон эҳтиёжлари ортиб бораверади, ундаги камчиликлар, етишмовчиликлар эса ҳеч тугамайдигандек туюлаверади. Аммо инсон ҳаётга ибрат кўзи билан, тийран ақл билан қарар экан, сабр ва қаноат унга эш бўлади, эришилган, қўлга киритилган неъматлардан ҳузурланишни, завқ олишни туяди. Аксинча бўлса-чи, ҳамиша ҳаётдан нолиш, кимлардандир норизо бўлиш устун бўлиб, бунда ҳаёт ўз гўзаллигини, файзини қайсидир маънода йўқотиб қўяди. Ва яна шу нарса аниқки, қаноатсизлик ва ношукурчилик ҳеч қачон ҳеч кимнинг турмушини гўзаллаштириб, ривожлантириб юбормаган.**

Камина бугун улуғ бир ёшга тўлиб, ҳаётимнинг қарийб 60 йилга яқинини шу эл-юрт учун бахшида этиб, бу йўлда не-не синовларни, машаққатларни чеккан, катта-кичик вазифаларда ишлаб, обрў-эътибор, иззат ва марҳамат кўрган бир инсон сифатида юқоридаги ва қуйидаги ўйларимни ўртоқлашгим келди.

Қолаверса, дилимга чексиз фахр ва ифтихор, улуғ бир муждаларни солган воқеа бу — шу йилнинг 16-17 ноябрь кунлари Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Сурхон воҳасига қилган навбатдаги ташрифи сабаб десам хато бўлмас. Бу ташриф чиндан ҳам тарихий ташриф бўлди. Нега дейсизми? Негаки, Сурхон элини жуда узоқ йиллардан буён ўйлантириб келаётган ўнлаб муаммолар ана шу ташриф давомида ўз ечимини топадиган бўлди. Бу ёруғ муждаларни эшитган ватандошларимизнинг қувончи, шодлиги нақадар ошганини билсангиз эди! Ҳамма бир-бирини табриклаган, қутлаган, дуога қўл очган...

2-б.

**УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН**

## КУТУБХОНАГА ТУҲФА

***Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси кутубхонасига таниқли журналист, Уюшма қошидаги Касб этикаси бўйича жамоатчилик кенгаши раиси Карим Баҳриев ўзининг "Ҳақиқат талабгорларимиз", "Сўз эркинлиги ҳақида сўз", "Бетоқат" (I-II қисм) номли китобларини туҳфа қилди.***



Мулоқот чоғида устоз журналист 40 йиллик фаолияти давомида ёзган мақолалари, ижодий ишларини жамлаганида ўн беш том бўлганини, шундан саралангани ўн томдан иборат эканини таъкидлади.

Шу ўринда Карим Баҳриевнинг Уюшма кутубхонасига ҳадя қилган китобларига тўхталиб ўтсак, "Ҳақиқат талабгорларимиз" китобидан муаллифнинг турли йилларда битилган адабий мақолалари ва адабиёт хусусидаги суҳбатлари ўрин олган. "Сўз эркинлиги ҳақида сўз" китобида инсоннинг фикрлаш ва сўзлаш, мулоқот ва муҳокама қилиш эркинлигининг моҳияти, тақдири, аҳамияти ва истиқболидан сўз юритилади

Сўзи уйғоқ, қалами ўткир Карим Баҳриевнинг "Бетоқат" номли китобида сиз Ватан, Миллат, Истиқлол шукуҳи ва бошқа мавзуларда куюнчаклик билан битилган мушоҳадаларини ўқийсиз. Муаллиф теран нигоҳи ила дунё миқёсидаги масалаларни ҳам ўқувчиларга ҳавола этади.

К.Баҳриевнинг шу номдаги иккинчи китобидан иқтисодиёт, адабиёт ва журналистика, жамият, маданият мавзуларидаги турфа мақолалари ўрин олган. Муаллиф миллий мафкура ва умуминсоний қадриятлар, рақамли иқтисодиёт, коррупция каби кўплаб мавзуларда бонг уради. Сўз эркинлиги, оммавий ахборот воситалари, тил сиёсати масалаларига ҳам эътибор қаратади.

## ФАХРИЙ ЖУРНАЛИСТЛАРГА ЭҲТИРОМ

***Оммавий ахборот воситаларида узоқ йиллар меҳнат қилган фахрийларнинг тажрибасидан самарали фойдаланиш, юбилей ёшини нишонлаётган журналистларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

4-б.

ОБУНА — 2024

Hurriyat

*Mustaqil gazeta*

*Қадрли юртдошлар!*
*"Hurriyat"га келгуси йил учун ҳам, албатта, обуна бўласиз деган умиддамиз!*
*Унутманг, обунани "Ўзбекистон почтаси" АЖ, "Матбуот тарқатувчи" АК филиалларида ва таҳририят орқали расмийлаштиришингиз мумкин.*



**Обуна индекси: 233**

**НУҚТАИ НАЗАР**



## СИНГАПУР "МЎЪЖИЗАСИ"НИ КИМ ЯРАТГАН?

**Илму фанга эътибор, жамиятда муаллимларнинг мақомини кўтариш, коррупцияга қарши беаёв курашиш, тадбиркор ва инвесторлар манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатнинг туризм салоҳиятини кўтариш, қўшни давлатлар билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш ва бошқа кўплаб устувор вазифаларни амалга оширишда Сингапур тажрибаси Ўзбекистон учун муҳим аҳамиятга эга.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бошлаган ва амалга ошираётган ислоҳотларда дунёнинг кўплаб сиёсатдонлари ва экспертлари Хитойнинг собиқ раҳбари Дэн Сяопин ҳамда Сингапур асосчиси Ли Куан Юлардагидек ғайрат, шижоат, тиним билмаслик, қоидаларда истиснoларга йўл бермаслик каби хислатларни кўришади. Бу икки буюк раҳбарлар қаторида Ўзбекистон Президенти ҳам давлат равнақини ёшлар билан боғлаб, таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.**

Бунинг ёрқин исботи сифатида жорий 2023 йил мамлакатимизда "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" деб эълон қилиниши яққол мисол бўла олади. Ана шу йилда режалаштирилган чора-тадбирларни амалга оширишда, жумладан, Хитой ва Сингапур давлатлари тажрибасини ўрганиш фойдадан холи эмас, албатта.

Сингапур тажрибаси сирларини ўрганмоқчи бўлган ҳар ким, аввало, Ли Куан Юнинг "Учинчи дунёдан биринчи дунёга" асарини синчиклаб ўқимоғи лозим. Унда ғоят оғир шароитда йирик давлат таркибидан ажралиб чиққан, бор мол-мулки ўн уч қаватли ижара уйидангина иборат бўлган Сингапурни қисқа вақт ичида жаҳоннинг иқтисоди бақувват, коррупциядан холи, бугун ҳам шитоб билан ривожланаётган мамлакатга айлантирган, барча дунёвий рейтингларда биринчиликни сақлаб келаётган ушбу мамлакатга узоқ йиллар бошчилик қилган машҳур давлат арбоби Ли Куан Юнинг ноёб тажрибалари ҳақида гап боради.

Сингапур ҳукумати мустақилликка эришганининг илк йиллариданоқ асосий эътиборни таълим тизимида ислоҳотлар ўтказишга қаратди.

6-б.

**ЗИЁРАТ**

## ҚАДИМ, НАВҚИРОН, БОҚИЙ...



**Дунёда сайёҳлик иқтисодиётнинг нефть-газ саноати, машинасозликдан кейин учинчи ўринда турувчи илғор соҳасига айланмоқда. Ўзбекистон Марказий Осиёдаги зиёрат сайёҳлиги йўналишидаги муҳим макон ҳисобланади. Юртимизда ислом дини ва маданиятини намоён этувчи мингдан ортиқ меъморчилик ва санъат асарлари, улуғ авлиё ва мутафаккирларнинг зиёратгоҳлари ва муқаддас қадамжолари мавжуд. Айниқса, Бухоро, Самарқанд, Хива, Термиз, Тошкент, Марғилон каби қадимий шаҳарларимиз мусулмон оламида илм-фан, маданият ва дин марказлари сифатида алоҳида эътироф этилади.**

**Сайёҳлик гарчи яқин ўтмишимизда пайдо бўлгандек туюлса-да, аслида, унинг тарихи узоққа бориб тақалади. Олимларнинг тахминича, саёҳат тарихи камида 12 минг йиллик улкан даврни қамраб олади. Одамлар қадим-қадимдан бошлаб янги ўлкаларни кашф этиш, муқаддас шаҳарларни зиёрат қилиш, дунёни кўриш, савдо-сотиқни ривожлантириш, маданий ва элчилик алоқаларини ўрнатиш мақсадида саёҳатга чиққанлар. Савдо карвонлари йўллари кесишган, маданиятлар ва цивилизациялар туташган чорраҳада жойлашгани учун кўҳна Турон бу жараёнда муҳим ўрин тутган.**

3-б.

# МЕНИНГ ПРЕЗИДЕНТИМ — МЕНИНГ ФАХРИМ

*Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 16-17 ноябрь кунлари Сурхондарё вилоятига қилган навбатдаги ташрифидан кейинги ўйлар*

1-б. Маълумки, Сурхон замини улуғ зотлар, авлиёлар яшаб ўтган муқаддас макондир. Шу боисдан Президентимиз ҳамиша бу юртга ташрифини буюк олим Ҳаким ат-Термизий қадамжосини зиёрат қилишдан бошлайди. Бу гал ҳам худди шундай бўлди. Термизий каби боболаримиз илм-маърифатини ёшларга етказиш муҳимлиги таъкидланди. Шу масалалар бўйича вилоят марказида илмий анжуман ўтказиш таклифи илгари сурилди.

Энг муҳими, Сурхондарёда ҳам сўнгги 6-7 йил ичида шундай йирик корхоналар бунёд этилмоқдаки, бундай мўъжизалар биринчи навбатда Сурхон элини иш билан таъминлашга хизмат қилмоқда. Ватанимиз иқтисодиётини янада юксалтиришга, одамлар фаровонлигини оширишга имкон бермоқда.

Аммо ношукурлик бўлмасин-у, узоқ йиллар сурхондарёликлар бир нарсага сира тушунмас эди. Нега мамлакатимизнинг турли ҳудудларида йирик корхоналар ишга туширилади-ю, Сурхондарёга келганда бундай қадамлар қўйилиши жуда қийин бўлади? Жавоб эса ҳамиша бир хил бўлган: Сурхондарё чегара ҳудудда жойлашган. Вилоят маркази —Термиз Афғонистон билан чегарадош. Афғонистонда



эса нотинчлик. Шу боис йирик корхоналар ташкил қилишнинг иложи йўқ. Бундай гап-сўзларни турли катта-кичик йиғинларда юз марталаб эшитган бўлсам керак.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев эса бу иддаоларнинг бари турфа хил “баҳона”лар эканлигини амалда исботлаб берди. Сўнгги йилларда вилоятда ўнлаб йирик корхоналар барпо этилди, бундай хайрли ишлар ҳар йили давом эттирилмоқда.

Хусусан, бу сафарги ташрифи давомида Бойсун туманида бўлиб, халқимиз фаровонлигига хизмат қиладиган йирик лойиҳалардан бири — “Мустақилликнинг 25 йиллиги” газ-кимё мажмуаси қурилиши билан танишди. Айни пайтда унинг қурилишида етти мингдан ортиқ кишилар, махсус техникалар ишламоқда. Лойиҳанинг биринчи босқичи келгуси йил май ойида ишга туширилиши, 2025 йилда эса тўлиқ қувват билан ишга тушиши элдошларимизни нақадар хурсанд қилаётганини айтмасак ҳам маълум. Машҳур хорижий корхона томонидан амалга оширилаётган ушбу қурилишнинг умумий қиймати 2,9 миллиард доллар бўлиб, йилига 5 миллиард куб метр газни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш қувватига эга экан. Ҳозиргача эса конни ўзлаштиришга қарийб 1 миллиард 450 миллион долларлик инвестиция киритилиб, анча-мунча ишлар якунланган. Энг муҳими, бу корхонага ўрнатилиши кўзда тутилган энг илғор технологиялар экология талабларига мос бўлиб, улар МДҲ давлатлари ичида биринчи бор ушбу заводга қўйилмоқда экан. Яна бизга маълумки, бу ерда газ кони бир неча ўн йиллар олдин топилган. Бироқ...

Ёки сўнгги йилларда Шеробод туманида қурилиб, ишга туширилган цемент заводини айтиш мумкин. Бугун бу ерда ишлаб чиқарилаётган сифатли маҳсулотлар нафақат мамлакатимиз аҳолисига, саноатига, балки кўплаб хорижий юртларга экспорт қилинаётганини нега энди айтмаслигимиз керак?!

Президентимизнинг Сариосиё туманидаги Тўполанг гидроэлектр станциясида амалга оширилган модернизация ишларини ҳам кўздан кечиргани ва кейинги йиллардаги қўшимча бунёдкорликлар туфайли ушбу ГЭСнинг умумий қуввати бир неча бараварга оширилиб, мамлакатимиздаги Чорвоқ ГЭСидан кейин иккинчи йирик станцияга айланганини ҳамма ҳам билавермайди. Яна Президентимиз таъкидладики, бу ишларни кенгайтириб, ҳар бир сой, имконияти бор ҳар бир маҳаллада микроГЭСлар барпо этиш вазифаси ўртага ташланди. Бу эса воҳани арзон ва сифатли энергия манбалари билан таъминлаш имкониятини беради.

Сурхондарё халқини энг қийнаб келган, ҳеч қачон бу муаммо ҳал бўлмаган масалалардан бири бу — аҳолининг тоза ичимлик сувига эҳтиёжи эди. Давлатимиз раҳбарининг Сурхондарёга жуда катта сармояни жалб этиб, кейинги 2-3 йил ичида айнан Тўполанг сув омборидан тоза ичимлик сувини бутун вилоят аҳлига етказиб бериш лойиҳаси доирасида шу кунгача 147 километр қувур Сариосиё тоғларидан Термиз шаҳригача тортилгани тарихий ҳаракатлар натижаси эмасми?!

Юртбошимиз ушбу оламшумул лойиҳанинг биринчи босқичи ишга тушгани белгиси сифатида рамзий тугмани босиб, обиҳаёт йўлини очди. Мазкур босқичда сув Сариосиё, Денов, Шўрчи ва Қумқўрғон туманларига етиб борди. Қарийб бир миллион аҳоли тоза, мусаффо ва зилол тоғ суви билан таъминланди дегани бу! Ёки охирги икки йил ичида вилоятнинг ичимлик суви билан таъминланиш даражаси ўртача 60 фоиздан 70 фоизга етди.

Ҳайратларга ошно бўлишда давом этажакмиз. Ушбу лойиҳанинг иккинчи босқичида марказлашган ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 90 фоизга етказилиши, бундан Сариосиё, Денов, Шўрчи, Қумқўрғон, Бандихон, Қизириқ, Шеробод, Ангор, Музработ, Термиз туманлари ва Термиз шаҳридаги 2 миллионга яқин аҳоли баҳраманд бўлади. Ишонасизми, ана шу улкан ёруғлик — обиҳаёт ёруғлиги келгуси йилда ниҳоясига етказилиши мўлжалланган.

Мана, ўзбек шеъриятининг буюк даҳоси Алишер Навоий бобомиз ўз достонларида куйлаган Фарҳоднинг жасорати!

Бир пайтлар Тошкентдан Сариосиё туманига самолёт парвоз қилар эди, десак, айрим ёшлар ишонмас эди. Ҳа, худди шундай. Вилоят маркази Термизга парвоз қилиб, самолётдан тушган Сариосиё, Узун, Денов тумани фуқаролари, меҳмонлар, сайёҳлар яна 150-220 километргача автомашинада юришга мажбур эдилар. Аммо яна Сурхондарё вилоятидаги Сариосиё аэропортида фуқаро авиацияси фаолияти тикланиши Президентимиз томонидан маълум қилинди. Албатта, бундай янгиликлар вилоятнинг туризм салоҳиятини юксалтиришда ҳам кўмак беради. Йил якунига қадар Сариосиё аэропортида фуқаро авиацияси фаолиятини тиклаш, келгуси йилдан Сариосиёдан Самарқанд ва Тошкентга мунтазам рейсларни йўлга қўйиш, Термиздан Истанбул, Фарғона, Бухоро ва Хоразмга парвозларни кўпайтириш бўйича Юртбошимизнинг топшириқлари Сурхон элига байрамона кайфият улашди. Бундан ташқари, Термиз-Тошкент йўналишида туристик вагон, Сариосиё-Тошкент йўналишида поезд қатнови йўлга қўйилиши қадим Сурхон туризмини янги босқичга кўтаришига шубҳа йўқ.

Термиз шаҳрида Президент Шавкат Мирзиёев иштирокида Сурхондарё вилоятини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказилди.

Ҳудуд изчил ривожланмоқда. Олдинда режалар, имкониятлар ҳам кўп. Хусусан, 3 миллиард 300 миллион долларлик 4 та янги йирик саноат лойиҳаси шакллантирилган. Булар ҳисобига вилоят иқтисодиётига йилига 6,5 триллион сўм, бюджетига 1,6 триллион сўм, экспортига 100 миллион доллар қўшилади, 2 мингта юқори даромадли иш ўринлари очилади. Жумладан, Бойсундаги қарийб 3 миллиард долларлик газ-кимё мажмуасида йилига 5 миллиард куб метр газ тозаланиб, 6 триллион сўмлик табиий газ ва олтингугурт ишлаб чиқарилади. Вилоятга йилига ўртача 120 миллион долларлик экспорт тушуми қўшилади. Геология қидирув ишлари кенгайтирилиб, яна 100 миллиард куб метр газ захиралари очилади.

Давлатимиз раҳбари Термизда ўтказган йиғилишида айтган қуйидаги сўзлари эса ҳамон қулоқларим остида акс-садо бермоқда:

— Сурхондарёда жуда катта иқтисодий салоҳият, ерости ва ерусти бойликлари, мард, меҳнаткаш халқи бор. Ҳозирча бу салоҳиятнинг ярмидан ҳам фойдаланилмаяпти. Шароит яратиб, иш ўрни, инвестиция, экспорт ва тушумни карра-карра ошириш лозим.

Шу боис, келгуси йили вилоятда 1,5 миллиард доллар инвестиция олиб келиб, саноатда 12 триллион сўм маҳсулот ишлаб чиқариш, экспортни 500 миллион долларга етказиб, 100 миллион доллар импортни қисқартириш имконини беради.




Вилоятга инвестиция жалб қилиш ва саноатни ривожлантиришдаги энг катта захира – бу



мавжуд конларни ишга солишдир.

Сариосиёда қўрғошин, рух, олтин ва оқ мармар, Бойсун ва Сариосиёда кўмир, Шербоддa калий ўғити захираларини ўзлаштириш, тоғли ҳудудларда геология-қидирув ишларини кенгайтириш зарур.

Бундан ташқари, вилоятда тадбиркор ёшларни янада қўллаб-қувватлаш, уларни спортга жалб қилиш бўйича қарор ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш, воҳадаги тарихий қадамжоларни музейларги айлантириш, шифобахш масканлар фаолиятини янада жонлантириш, бадиий жамоаларнинг халқаро фестивалларда иштирок этишига кўмаклашиш, халқ мероси, улкан бойлигининг “Олтин фонди”ни яратиш зарурлиги ва бошқа кўпдан-кўп масалалар бўйича керакли чора-тадбирлар белгиланадиган бўлди.

Ана энди айтинг-чи, мамлакат Раҳбарининг 2 кунлик вилоятга ташрифи қанчалар савобли, самарали кечган?

Инсоф билан айтганда, бундай ечимлар 10 йилларда ҳам, 50 йилда ҳам бўлмаган эди-ку!

Хўш, ўз элининг, халқининг ҳаётини янада фаровон этиш учун бундай жонфидо раҳбардан фахрланмай, ғурурланмай бўладими?!

Шу боисдан ҳам менинг президентим — менинг фахрим дейишга ҳақлимиз.

Энди яна бир нарсани айтиш кераккки, инсон ҳар нафасда эркинликка, ҳурриятга интилишида юксак маъно, мақсад муштарак. Лекин бу неъмат ҳар кимга ҳам насиб қилавермас экан. Биз биламиз – халқимиз жудаям узоқ давом этган мустабидлик замонини бошидан кечирди. Ўта пухталик ва режа билан миллий қадриятлардан жудо қилинаёздик. Шўро салтанати эса имломизни ўзгартирди. Бу – шу даражада катта йўқотиш, талафот эдики, кейинги авлод, натижада ўз ўтмишига лоқайд даражага етди.

Жами бир ярим аср, айниқса, кейинги мустабидлик даврининг жароҳатлари, асоратлари айтган билан адо бўлмайди. Аммо истиқлол чўққиларидан туриб ўша мустабид замонни, унинг жароҳатлари, асоратларини эсламаслик мумкин эмас.

Чунки, ана шундай қилганимизда, яъни кеча билан бугунини таққослаганимизда, мустақиллик неъматларининг қадрига етамиз.

Ўтган 30 йил мобайнида мустақил давлатимиз, миллатимиз жуда қийин ва машаққатли йўлни босиб ўтди. Айниқса, мустақилликнинг дастлабки йиллари жуда қийин бўлди. Шўро “иттифоқи”нинг ночорликда парчаланиши туфайли, мамлакатимизда атайин марказлаштирилган таъминот тўхтаб қолди.

Биргина мисол: Ўзбекистоннинг тупроғи олтинга тенг бўлгани билан, мамлакатимизда деярли ғалла етиштирилмас, пахтадан мўл ҳосил олиш учун ҳам ёқилғи-мойлаш материаллари марказдан олиниши керак эди. Ана шу марказлашган тизим издан чиққандан сўнг, Ўзбекистонда хўжалик юритиш қандай аҳволга тушиб қолганини кўз олдингизга келтираверинг.

Ана шу оғирликларнинг бари Республикамиз ҳукумати елкасига тушди, десам муболаға қилмаётган бўламан.

Халқимизда бир товуққа ҳам сув, ҳам дон керак, деган мақол бор.

Истеъмолчилар эҳтиёжини қондириш жуда-жуда қийин масала эди. Ўзингиз биласизки, бундай тақчиллик шароитида жиноий унсурлар фаоллашиб қоладилар...

Яхши эслайман, ўша йиллари ўзларини миллатпарвар деб эълон қилган “демократлар”: “Ўзбекистон халқи ҳаммадан кўп нон истеъмол қилади!” деб дод солган эдилар. Қаранг-а! Ахир нондан ҳам азиз неъмат бўларканми?

Ўша таҳликали замонда ва ундан кейин ҳам мамлакатимиз, халқимиз тинчлиги, хотиржамлиги таъминланди. Ана шу ҳақиқат барча ютуқларимизнинг бош омили, мустаҳкам пойдевори бўлди.

Ҳозир ҳам “ундоғ-бундоғ!” деган гаплар қулоққа чалиниб қолади. Баъзан шу сингари “миллатпарвар”ларнинг тилини қарғалар чўқисин, дегим келади. Нега? Маълумингизким, Сурхондарё мамлакатимизнинг энг жанубий, демакки, нисбатан олганда, пойтахтдан узоқ вилоятларидан бири. Аммо бизнинг воҳада ҳам машиналар кўчага сиғмай кетди. Бу иқтисодий-ижтимоий барометрдир! Халқимизнинг иқтисодий аҳволини шундан ҳам билса бўлади.

Тарихий нуқтаи назардан олганда жуда қисқа муддатда мамлакатни, унинг аҳолисини ана шундай фаровонликка эриштирган Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев билан фахрланмаслик мумкинми?!

Президентимизнинг чуқур ўйланган, халқ манфаатлари ҳисобга олинган барча амалий, тинимсиз ишлари ҳамда Ўзбекистоннинг дунёдаги мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлари ҳар қанча таҳсинга сазовор.

2020-2023 йиллар Ўзбекистон учун турли воқеаларга бой, барча соҳада жадал ривожланиш даври бўлди. Ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий соҳаларда, халқаро муносабатлардаги улкан ижобий ўзгаришлардан мамлакатимиз халқи сингари хорижликлар ҳам ҳайратга тушмоқда.

Шавкат Мирзиёев юритаётган сиёсат шарофати билан янги Ўзбекистоннинг янги қиёфаси, миллат қиёфаси салобатлашиб, улуғворлашиб, кўркамлашиб бораётгани, айниқса, диққатга сазовордир.

Умуман, сўнгги йилларда мамлакатимиз эволюцион ўзгаришлар сари юз бурди. Мамлакатимиздаги янгиланишлар, ҳеч муболағасиз, ҳар биримизни тўлқинлантиради. Бунга сўзимиз аввалида давлатимиз раҳбарининг Сурхон элига яқинда қилган ташрифлари давомидаги ёруғ муждаларни бир мисол, бир ибрат сифатида таъкидламоқчи бўлдик. Зеро, бу улкан мақсадлар, натижалар кўлами Учинчи Уйғонишнинг мустаҳкам пойдеворини яратишга бўлган амалий ишлардир.

**Тоштемир ТУРДИЕВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.**

**ТАДБИР**

# Муқаддасдир Ватан байроғи!



**Мана 32 йилдирки, 18 ноябрь Мустақиллигимиз рамзларидан бири бўлган Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи қабул қилинган кун миллий ифтихоримиз сифатида катта тантана билан нишонланади.**

**Миллат байроғи – муқаддас. Унда аждодлар орзу-армони акс этади. Шунингдек, халқимизнинг бугуни, ўлмас хотираси, иймон-эътиқоди, келажакка бўлган комил ишончи жилоланади.**

**Сана муносабати билан пойтахтимиздаги Яккасарой тумани 249-сонли “Мажнунтол” номли МТТда “Муқаддасдир Ватан байроғи!” шиори остида байрам тадбири ўтказилди.**

**Байрам тадбири Давлатимиз мадҳияси билан бошланди.**

— Давлат байроғи – давлат рамзи ҳисобланиб, у ер юзининг турли сарҳадларида мустақил Ўзбекистон давлати борлигини англатади ва ўзида миллий-маданий анъаналаримизни мужассамлаштиради. Ватанимиз байроғи бу – яхшиликни, донишмандликни, ҳалолликни, тинчликсеварликни, беғуборлик ва софликни, орзулар тозалиги ва ички гўзалликка интилувчанликни, навқиронлик ва умидлиликни, табиат билан уйғун янгиланиб боришни билдиради, — деди боғча мудираси Севара Аҳмеджанова.

Тадбирда болажонлар томонидан миллий рамзимизни улуғловчи, бахтли болалик, она Ватанни мадҳ этувчи шеър ва қўшиқлар куйланди. Эртак қаҳрамонлари иштирокида образли ўйинлар ҳамда турли хил арғимчоқлар, қизиқарли томошалар ташкил этилди. Шунингдек, турли спорт мусобақалари, расмлар кўргазмаси, ташкилот педагоглари ва тарбияланувчиларнинг мусиқий чиқишлари, анимацион саҳна кўринишлари йиғилганларга байрамона кайфият улашди.

Чиндан ҳам, мустақил давлатимиз байроғи тинч ва осойишта, озод ҳамда эркин ҳаётимиз, ёруғ келажагимизга бўлган ишончимиз тимсолидир. Давлат рамзларининг муқаддаслигини, улар бизга юрт манфаати ҳар недан устунлигини англатиб, эслатиб туришини ҳар биримиз ёдда тутишимиз шарт.

– Бола тарбияси – нозик масала. Бу соҳада ишлайдиганлар учун эса энг муҳими соғлом муҳитдир. Ҳозирда боғчамизда 290 нафар тарбияланувчи 6 та ўзбек гуруҳи, 6 та рус гуруҳида тарбияланмоқда. Уларни юртга фойдаси тегадиган, порлоқ келажакка эриша оладиган қилиб тарбиялашда эса барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, хизмат қиляпмиз. Бу болалар келажакда халқимиз фахрланадиган инсонларга айланса, элимиз корига ярайдиган бўлиб улғайишса, бу, албатта, барчамизнинг катта ютуғимиз бўлади, – дейди мазкур боғчада 35 йилдан буён тарбиячи бўлиб ишлаётган Умида Бурҳанова.

Куй ва қўшиқлар остида давом этган тадбир болажонларга кўтаринкилик бағишлади.

**Ислом ЭГАМБЕРДИ ўғли.**

# ҚАДИМ, НАВҚИРОН, БОҚИЙ...



* * *

1-б. Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан 11 ноябрь – Касаба уюшмалари куни муносабати билан қадим ва навқирон Самарқанд шаҳрига зиёрат туризми ташкил этилди. Унда бир гуруҳ журналистлар, ОАВ вакиллари иштирок этишди. Эрта тонгда пойтахтдан йўлга чиққан микроавтобус 4 соатдан сўнг боқий шаҳарга кириб борди. Бизни у ерда ташкилотчилар ва албатта, гид хизматидан бириктирилган Абдуллоҳ исмли йигит кутиб олишди. Қисқа танишувдан сўнг зиёратимизни бошладик. Журналистларнинг дастлабки манзили Хўжа Дониёр мақбараси бўлди.

Абдуллоҳнинг айтишича, мазкур мақбара Самарқанд шаҳрида жойлашган меъморий ёдгорликлар орасида Афросиёб шаҳарчасининг кунчиқар томонида, Сиёб канали ёқасида жойлашган ва халқ орасида "Дониёл пайғамбар қабри" деб юритилади. Дониёл (иврит тилида Даниэл, араб тилида Дониял) пайғамбар яҳудий миллатига мансуб бўлиб, милоддан аввалги 603 йилда Қуддусда дунёга келади. Милоддан аввалги 534 йилда Бобилда вафот этади. Дониёл пайғамбарга тегишли деб кўрилувчи Самарқанддаги мақбара бугунги кунда энг гавжум зиёратгоҳлардан.



Бизни кутиб олганлар 18 метрлик қабр ҳақида ўзларининг билган, эшитган воқеаларини айтишди. Бироқ бу борада ҳозиргача мутахассислар ҳам бир тўхтамга келмаган экан. Айни пайтда ушбу мақбарага кўмилган шахс ҳақида бир қанча ривоятлар мавжуд бўлиб, улардан бирида айтилишича, Аҳамонийлар сулоласидан бўлган Кир II Бобилни истило қилганида, Бобил подшоҳлари томонидан қулликда тутилган бир неча юз яҳудийни озод қилади. Ушбу яҳудий қавми озод бўлгач, Амударёдан ўтиб, Ўрта Осиё ҳудудига кириб келган. Улар ўзлари билан бирга Бобил подшоҳлигида юқори давлат лавозимларида фаолият юритган ва ўзини пайғамбар деб эълон қилган Дониёл пайғамбарнинг қабрини ҳам олиб келган экан.

Иккинчи ривоят Амир Темур билан боғлиқ. Унда айтилишича, ўзининг етти йиллик ҳарбий юриши вақтида Амир Темур Мосул шаҳри яқинида тўхтайди. Бу ерда Дониёл пайғамбар ҳақида кўп ажойиб ривоятларни эшитиб, унинг қабрини зиёрат қилади. Ровийлардан ушбу пайғамбар қабри турган жой файзли ва баракали бўлишини эшитади. Шу онда у кишининг хокларини пойтахт Самарқандга олиб кетишга буйруқ беради. Аммо бу ишга шаҳар аҳолиси қарши чиқади. Шундан сўнг Амир Темур қабрдан фақат нишона олиб Самарқандга жўнатади. Нишонани ортиб олган туя Самарқандга кириб, ҳозирги мозор ўрнида чўккач, қабрдан олинган нишона шу ерга кўмилади.

Бошқа бир ривоятда шаҳар номи ўзгариб келган. Яъни, Дониёл қабри Эрондаги Суза (ҳозирги Хузистон вилоятида) шаҳрида бўлган. Нишона ҳам айни қабрдан олиб келинган деб кўрсатилади. Дониёл пайғамбар билан боғлиқ юқоридаги икки ҳолатда ҳам қабрдан нишонанинг олиб келиниши Амир Темурнинг етти йиллик юришлари билан боғланади. Бироқ Амир Темур 1381-1384 йилдаёқ Эроннинг катта қисмини босиб олган бўлиб, Эроннинг тўлиқ бўйсундирилиши уч йиллик (1386-1388 йиллар) ва беш йиллик (1392-1396 йиллар) юришлар вақтида амалга оширилади. Яъни, ўзининг етти йиллик юришлари даврида асосий эътиборини Миср, Шом ўлкаси ва Усмонийлар империясига қаратган Амир Темур Эроннинг жануби-ғарбида жойлашган Суза шаҳрига борган бўлиши эҳтимолдан йироқ. Шунингдек, ҳозир ҳам Ироқнинг шимолида жойлашган Мосул шаҳрида Дониёл пайғамбар мақбараси мавжуд бўлиб, аҳоли томонидан зиёрат қилинади.

* * *

Кейинги манзилимиз Ҳазрати Хизр мажмуаси. Сизга яхши маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов вафотидан сўнг шу мажмуага дафн этилади. Ислом Каримов тириклик чоғидаёқ шу ерга дафн этилишини васият қилган. Хўш, нега айнан Ҳазрати Хизрга? Бу масканнинг тарихи қандай?

Ҳазрати Хизр масжиди кўҳна Самарқанднинг энг мўътабар жойларидан бўлиб, баланд тепаликда жойлашган. Айтишларича, айнан шу жойда масжидни барпо этишни Қутайба ибн Муслимга Ҳазрати Хизр буюрган эканлар. Ҳазрати Хизр номлари билан боғлиқ жуда кўп ривоятлар мавжуд. Хусусан, кўпчилик уларни барҳаёт эканлар деб фикр юритади. Аммо кўпгина катта уламолар бу фикрга қўшилмайдилар. Хизр сўзи "яшил" деган маънони англатади ва ривоятларга кўра, у киши қаерда ўтирсалар, ўша ердан, ҳатто тошдан ҳам ям-яшил кўкатлар униб чиқар, дарахтлар кўкариб қолар экан. Бир ривоятда айтилишича, Ҳазрати Хизр ҳар бир инсонга умри мобайнида уч маротаба кўринадилар. Кўришганда, у кишини хафа қилмай, яхши муомала билан рози қилган кишини дуо қилар эканлар. Айтишларича, Ҳазрати Хизрни кўрганда, кўпчилик зийраклик неъматидан бебаҳра бўлиб, ғафлатда қолиб, уларни кўрганликларини билмай қолар экан. Мустақиллик даврларида масжидни таъмирлаш бўйича ишлар олиб борилган. Масжид ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатидаги обидалар қаторидан жой олган.

* * *

Сиз тепага чиққанда ва пастга тушганда икки хил рақамда чиқадиган зиналар ҳақида эшитганмисиз? Кимларгадир тоқ, яна кимларгадир жуфт сонларда чиқадиган зинапоялар кейинги манзилимизда жойлашган экан.

Самарқанднинг қадимги ўрни Афросиёбни томоша қилган сайёҳлар унинг жануб томонига юрсалар, қияликда жойлашган, мовий гумбазлари қуёш нурида яркираб турган Шоҳизинда ансамблига дуч келадилар. "Самарқанд марвариди" деган номга сазовор бўлган Шоҳизинда ансамбли нафақат тарихий-меъморчилик ёдгорлиги, балки машҳур алломалар, авлиёлар, маликалар, лашкарбошиларнинг абадий оромгоҳи ҳамдир.

Шоҳизинда сўзининг маъноси "тирик шоҳ" бўлиб, қарийб минг йилдан буён бу ном халқ ўртасида яшаб келмоқда. Мусулмон тарихчиларининг ёзишларича, тирик шоҳ — Муҳаммад пайғамбаримизнинг амакиваччаси Қусам ибн Аббосга берилган унвондир. Самарқандлик тарихчи Абул Ҳакимийнинг ёзишича, Қусам ибн Аббос пайғамбаримизнинг муборак юзларини кўрган охирги кишидир. Мусулмон тарихчиларининг қайд этишича, Қусам ибн Аббос VIII асрларда араб лашкарлари таркибида Самарқандга келган ва бу ерда дини исломни тарғиб қилиш билан машғул бўлган. Бир куни Қусам ибн Аббос намоз ибодати билан машғул бўлиб турганида, кофирлар ҳужумига учраган ва узилган бошини қўлига олиб, ғор орқали ернинг тагига тушиб кетган.

У то қиёматга қадар тирик юрар эмиш. Қусам ибн Аббос кириб кетган ғорнинг олдида унга атаб қабр ясалган ва XI асрда унинг устига мақбара қурилган. Мақбарадан ташқари, бу ерда ҳашаматли зиёратхона, масжид ва чиллахоналар ҳам фаолият кўрсатган. 1220 йили рўй берган мўғул истилоси Шоҳизинда мақбараси тақдирида ҳам аянчли роль ўйнади. Мўғуллар бу ердаги кўпгина иншоотлар ва қабрларни остин-устун қилиб ташладилар. Самарқанд тахтига Амир Темур ўтиргач, Шоҳизинда ансамблининг ҳаётида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Амир Темур бу ердаги харобага айланган кўпгина иншоотларнинг ўрнига янгисини қурди, кўпларини қайта таъмирлади, Қусам ибн Аббос қабри устига ҳашаматли қабртош ўрнаттирди. Шунингдек, Соҳибқироннинг буйруғи билан бу ерда янги масжид ҳам барпо қилинади.

* * *

Самарқандга келган одам борки, албатта, Гўри Амир мақбарасини кўрмай кетмайди. Табиийки, биз ҳам шу анъанага содиқ қолдик ва ушбу мажмуага йўл олдик. Гиднинг айтишича, мақбара қурилиши 1403 йилда Амир Темурнинг вориси Муҳаммад Султоннинг вафот этиши муносабати билан бошланган, Мирзо Улуғбек даврида тугалланган ҳамда Амир Темур ва темурийлар хилхонасига айлантирилган.

Мақбара ўрта аср Самарқандининг жануби-шарқий қисмида, Темурнинг набираси Муҳаммад Султон XIV асрнинг охирида бино қилдирган ансамбль қошида тикланган. Муҳаммад Султон 1403 йилда Кичик Осиё соҳилларига қилган узоқ сафаридан қайтиб келаётганда, тўсатдан касал бўлиб вафот этади. Шаҳзоданинг жасади Самарқандга олиб келиниб, ансамблнинг жануб томонидаги айвони орқасидаги дахмага дафн қилинади. Амир Темур шаҳзодага атаб мақбара қуриш ҳақида фармон беради. Шундан кейин дахма устига саккизёқли бино қурилади. Тарихчи Шарафиддин Али Яздий: "Бу бино осмон каби баланд гумбаз, деворларининг пастки қисми зарҳал ва ложувард билан безатилган мармар тошдан қилинган", деб таърифлайди. Лекин бу ишларни Амир Темур охирига етказолмаган. У 1405 йилнинг бошларида вафот этади ва Муҳаммад Султон жасади ёнига дафн қилинади.

Амир Темур вафотидан кейин тахт учун ўзаро урушлар бошланиб кетиб, мақбарани тўлиқ қуриб тамомлашга халақит беради. Мирзо Улуғбек буюк бобосига ҳурмат юзасидан саккизёқли мақбарани темурийлар авлоди дафн қилинадиган мақбарага айлантиради. Мақбара битгач, Амир Темурнинг маънавий устози Мир Сайид Бараканинг жасади шу мақбарага кўчирилади. Амир Темурнинг ўзи маънавий устозининг оёқ томонига дафн этилади. Баъзи ривоятларга қараганда, Амир Темурнинг ўзи шундай васият қилган экан. Мақбарада Амир Темурнинг ўғиллари — Мироншоҳ ва Шоҳрухлар ҳам дафн қилинган. 1449 йилда сиёсий инқироз натижасида Мирзо Улуғбек ваҳшиёна ўлдирилади. Буюк астрономнинг жасади ҳам Гўри Амир мақбарасида дафн қилинади.

* * *

Сафаримизнинг якуний манзили бугун тилларда достон бўлаётган ва жаҳон сайёҳларини ўзига ром қилаётган "Боқий шаҳар" мажмуаси бўлди. Албатта, "Буюк ипак йўли" марказининг қурилиши тарихи ҳақида сўз борганда, аввало, уни бунёд этиш ташаббускори Президент Шавкат Мирзиёев эканини таъкидлаш лозим. Ушбу ноёб мажмуанинг очилиш маросимида: "Самарқандни йирик туризм марказига айлантиришда "Боқий шаҳар" меъморий ансамбли алоҳида муҳим ўрин тутади. У келгусида бутун Самарқанднинг ўзига хос "ташриф қоғози"га айланади, деб ишонаман", дея тилак билдиргани ёдимизда.

"Буюк ипак йўли" халқаро туризм маркази ва "Боқий шаҳар" мажмуаси. Марказ таркибида ниҳоятда муҳташам "Конгресс холл", 2 та 5 юлдузли, 2 та 4 юлдузли, 4 та 3 юлдузли меҳмонхоналар ва амфитеатр ҳамда бошқа иншоотлар мавжуд. Шаҳарда бундай "халқаро туризм маркази" қад ростлашининг сабаблари бор. Аввало, шаҳар нафақат мамлакатимизда, балки бутун Шарқда сайёҳлик марказларидан бири саналади. Қолаверса, Самарқанд халқаро миқёсдаги анжуманлар, конференциялар, йиғилишлар, фестиваллар, кўрик-танловлар, тўю томошалар шаҳри. Йилига ўнлаб турли хил анжуманлар ўтказиш бу шаҳар учун одатий ҳол бўлиб қолган. Шунинг учун ушбу шаҳарда конгресслар ўтадиган ниҳоятда маҳобатли иншоот ва кўплаб меҳмонхоналар қурилиши ҳаётий зарурат эди. Марказда Конгресс холл, меҳмонхоналардан ташқари, сунъий сув ҳавзалари, 60 метр баландликка сув сачратувчи фавворалар, минглаб манзарали дарахтлар экилган боғ, гулларга бурканган хиёбонлар ҳам бунёд қилинган.

* * *

"Юрган – дарё, ўтирган – бўйра", дейишади. Чиндан ҳам, олам кезиб саёҳат қилганга, муқаддас қадамжоларимизни тавоф қилганга нима етсин? Зиёратчи журналистларнинг бир кунлик сафари ниҳоясига етар экан, қайтишда Сиёб бозорига кириб, Самарқанд нони ва ҳолвасидан олишни ҳам унутишмади. Бир олам таассуротлар оғушида "Менинг борар йўлим ўшал Тошкент" дея сафаримизни якунладик...

**Ислом АСИЛБЕКОВ,**
**журналист.**



**ҲАМКАСБ**

# ОЛҚИШГА САЗОВОР ИЖОДКОР

**Профессионал журналист! Бу иборани ҳамма журналистга ҳам қўллаш имкони йўқ. Саноқли профессионал журналистлар орасида эса Одилжон Иномовнинг алоҳида ўрни бор. Ижодий фаолиятининг қирқинчи, умрининг 60-довонида Одилжон Иномов устоз журналист мақоми билан олқишга сазовор бўлиб турибди.**

Раҳматли Мамажон ота етти фарзандининг кенжаси бўлган Одилжонда бир зиё пайқадики, пойтахтда фаолият юритувчи, "ҳарбий ёзувчи" номи билан машҳур журналист Ҳамид Тожибоевга ўғилчасини рўбарў қилиб: "Ҳамидхон, шу ўғлимни ўзингиз тарбиялаб берасиз. Мактабни битирса, Тошкентга — олдингизга боради", деб тайинлайди.

Ўшанда Одилжон 6-синф ўқувчиси эди. Орадан йиллар ўтди. Мактабни тамомлаган йигит акаларига раҳматли дадасининг орзусини, узоқроқ қариндошлари бўлмиш Ҳамид Тожибоевнинг лафзини эслатди.

Тошкент полиграфия техникумида таҳсил олаётган Одилжон Ҳамид Тожибоевнинг юриш-туриши, баъзан кечалари, баъзан тонг саҳардан столга мук тушганча нималардир ёзишини кузатар, журналистга хос маданиятига ҳавас қиларди.

Юрагига тушган худди шу ҳавас учқунлари кейинчалик алангалана бошлади. Техникум таҳсилидан кейин ҳарбий хизматга бориб келгач, Чортоқ туманлараро босмахонасида иш бошлади. Иш орасида туман газетасининг қишлоқ хўжалиги бўлими мудири Содиқжон Даминовдан топшириқлар олиб, хабар, лавҳалари билан газета саҳифаларида кўринди. Бу кичик муваффақиятлар онажониси Саломат аяга оламжаҳон қувонч бағишларди.

Олти ўғлон ва бир қизни соғлом ўстириш, бировдан камитмаслик чораси билан куйманувчи онани қувонтириш Одилжонга ўзгача иштиёқ берди. Энди у оддий хабарлар ёзиш билан чекланмасдан, йирик ҳажмдаги лавҳа, репортаж, танқидий-таҳлилий мақолалар ёзишга киришиб кетганди. Булар шунчаки ҳавас, оддий қизиқиш эмас, жиддий орзу, ният, аниқ мақсадли интилишлар эдики, босмахона ва таҳририятдаги чиниқиш билан Одилжон Иномов Тошкент давлат университетининг журналистика факультетига сиртдан ўқишга кирди.

Одилжон вилоят марказида, "Халқ иродаси" газетасида — нисбатан кенгроқ муҳитда ишлай бошлади. Энди у бир қанча лойиҳалар бўйича ўз таклифларини вилоят раҳбарияти олдига қўйишга чоғланди. Вилоятда ёшлар нашри бўлиши ҳақидаги таклифи билан "Камолот" газетаси чоп этила бошлади. Қўшни вилоятларда аллақачон нодавлат телевидениелар ташкил этилиб, фаолияти ривожланаётган бир пайтда Наманганда "Бизнес фонд" раҳбари Жакбарали Мустақимов муассислигида "Ташаббус" реклама-тижорат студиясига асос солинди.

Янги телестудияни зарур жиҳозлар билан таъминлаш, водийликларга сифатли кўрсатувлар тақдим этиш учун малакали ижодий-техник ходимлардан иборат жамоани шакллантириш Одилжон Иномов зиммасида бўлди. Қисқа муддатда ўз мухлисларини топиб улгурган "Ташаббус" телестудияси кенгайиб, "Шарқ" телевидениесига айланди. Бу жараёнга бош-қош бўлган Одилжон Иномов янги-янги кўрсатувлар ғояси билан тележурналистларга ибрат бўла олди.

"Устозларсиз ҳеч ким бўлмасдим!" Бу гап яқинда Одилжон Иномовнинг "Истеъдод зиё пресс" нашриётида чоп этилган "Мен билмаган дунё" биографик очерк китобидаги сарлавҳалардан бири. Китоб билан танишиб, Одилжон чин маънодаги устоз кўрган шогирд эканидан қувонасиз.

Филология фанлари номзоди Маҳмуджон Маъмуров, публицист адиб Муҳаммаджон Тожиддинов, тажрибали матбаачи Саъдулла Ғайбуллаев, Омонулла Қамбаров, Талаббой Назиров, Собиржон Турғунов, Фарҳод Йўлчиев, Ғуломжон Акбаров, Йўлдошали Самиев, Тожиддин Ғозиев, Жумавой Мусаев, Абдуғани Абдувалиев, Абдулла Жаббор, Маҳмуджон Парпиевлардан олган касбий сабоқлари ўзига ҳамон асқатаётганини Одилжон миннатдорлик билан эътироф этади.



Қўлига умид билан қалам тутган киши фақат журналистик жанрлардаги ижод билан чекланмайди. Бу одатий анъанами ёки истеъдод соҳибларининг томирсурар туғма иқтидорими, ажратиш қийин.

О.Иномов ҳам Журъат, Одилжон Муҳаммад тахаллуслари остида ҳажвчилик йўналишида бадиий ижод билан астойдил шуғулланади. "Табассум" радиожурнали эфирида, "Муштум" журнали саҳифаларида Одилжон Муҳаммад қаламига мансуб ҳажвиялар саксонинчи йиллардан бошлаб эълон қилиб келинади. "XXI аср" газетасининг водий вилоятлари бўйича мухбири лавозимида ишлаганида ҳам бадиий ижоддан тўхтагани йўқ.

Кейинги йилларда вилоят ҳокимлиги муассислигидаги ижтимоий-сиёсий нашр — "Наманганская правда" газетасига муҳаррирлик қилаётган Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси Одилжон Иномов замонавий медиамайдонда ҳам ўзига хос ташаббускорлиги билан ижодий қобилияти ва истеъдодини ёрқин намоён этмоқда. Газета сайти ва телеграм каналида, шунингдек, фейсбукдаги "Журъат" саҳифасида эълон қилаётган залворли мақолалари буни исботлайди.

Бадиий ижод намуналари эса "Хўжайин, неча пуллик кулдирай?", "Ҳолвани ким еди?" деб номланган китоблари орқали мухлислари қўлига етиб, халқнинг маънавий мулкига айланди.

Инсон қайси касб-ҳунар ортидан муваффақият қозонмасин, унинг энг вафо қиладиган давлати, қувончининг барқарорлиги оиладаги бахтли муҳит билан тотимлидир. Одилжон турмуш ўртоғи Муқаддасхон билан уч фарзандни тарбиялаб эл корига қўшди. Бу хонадонда ҳамжиҳатлик ва меҳр-муҳаббат мудом барқарор.

Олтмиш ёш қутловлари ва қирқ йиллик ижодий меҳнат фаолияти давомидаги эришган муваффақиятлари ила янги довонларни кўзлаб, қаламини астойдил чархлаган кўйи соҳага, ҳаётга, одамларга меҳр қўйган ҳамкасбимизнинг умрига, ижодига баракот, ўзига мустаҳкам соғлик тилаймиз.

**Носир АББОС.**

ЭЪТИРОФ

# Ишонч қозонаётган “Ishonch”




**2018 йил якунида миллий журналистикамизда кутилмаган бир воқеа юз берди: “ISHONCH” ва “Ishonch-Доверие” газеталари ўз саҳифаларида йил мобайнида эълон қилинган энг сара мақолаларни бир муқова орасида китоб-мажмуа ҳолида ўқувчиларга тақдим этди. Нима учун кутилмаган воқеа, дедик?**

**Дунё ахборот майдонида оммавий ахборот тарқатиш воситалари шу қадар кўпайиб, хилма-хиллашиб кетдики, бунинг оқибатида, биринчи навбатда анъанавий босма нашрлар бирмунча танг аҳволда қолди. Аҳвол шу даражага бориб етдики, газета-журналнинг замони ўтди, ҳатто чўнтагимизда уяли телефон бор экан, босма нашрлар мутолаасини йиғиштириб қўйсак ҳам бўлаверади, дейдиган олдинни “кўра биладиган” башоратчилар урчиди.**

**Шу тариқа ахборот майдонида очиқ ёки пинҳона рақобат забтига олди. Вазият оғирлашди, баъзан қалтис тус ҳам олди. Мана шундай бир муҳитда “ISHONCH” ва “Ishonch-Доверие” газеталари қаддини ғоз тутиб, кураш майдонига чиқди. Бошқача айтганда, камтарона “1 йилга 1 назар...” номида китоб дунёга келди. Бу билан газета таҳририяти ижодий жамоаси “Газета ўлмайди! Йил мобайнида газетамизда чиққан энг сара мақолаларни такроран ўқиб кўринг! Мана, марҳамат!” дея моҳиятан кенг оммани яна ва яна газетхонликка ундади, даъват этди.**

* * *

2019 йил якунида “ISHONCH” айтадики...”, 2020 йилда “Миллатни улғайтирган йил”, 2021 йилда “2021 (факт ва далиллар, мулоҳазалар ва мунозара, танқид ва таҳлил, талқин ва хулосалар)”, 2022 йилда “Нигоҳ” номи остида салмоқли мажмуалар китобхонлар эътиборини тортди ва шу тариқа кутилмаган воқеа ўзига хос ажойиб анъана тусини олди! Жорий йил ниҳоясига етаёзган айни кунларда эса қўлимизга 2023 йилнинг сарҳисоби бўлмиш “Йил “ISHONCH”и” етиб келди!

Ҳар қандай миллий журналистика шу куннинг ҳаёт қозонида вужудга келади, шаклланади, тараққий топади. Шу нуқтаи назардан у ижоднинг энг мураккаб соҳаларидан бири ҳисобланади. Айниқса, жамият миқёсида кечаётган жараёнларни муттасил кузатиб бориш, унинг “пульси” зарбаларидан бохабар бўлиш ҳамда воқеаларни ниҳоятда тезкорлик ва холислик билан шарҳлай билиш бир мураккабликка ўн мураккаблик қўшади десак заррача муболаға бўлмайди. Сўнгги етти йил мобайнида миллий ахборот майдонимизда сиёсий шарҳловчи сифатида танилган ва эътироф этилган Қудратилла Рафиқов ҳақли маънода Янги Ўзбекистон солномасини яратмоқда.

Солнома яратиш кўпроқ тарихчи олимларнинг вазифасидек туюлади. Қудратилла Рафиқов солномаларида эса жамиятшунос ва файласуф, сиёсатшунос ва маърифатпарвар нигоҳи ҳамда мантиқий-руҳий мезон мужассам эканлигидан ташқари улар фавқулодда самимияти, ҳаётийлиги, айниқса, таҳлилий ёндашувнинг чуқурлиги билан “солнома” деб аталгувчи жанрни бойитмоқда, жанр сифатидаги имкониятларини кенгайтирмоқда.

“Йил “ISHONCH”и”да муаллиф давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев феномени ва унинг мамлакатимиз ва Марказий Осиёда кечаётган жараёнлардаги ўрнига доир фаолияти ҳақида сўз юритган. Росмана илмий тадқиқот мақомида ёзилган мақоланинг аввалидан олинган қуйидаги иқтибосга эътибор берайлик: “Очиғи, ўзбекларга ҳам хос бўлган шарқона менталитетни ҳисобга олсак, давлатнинг биринчи шахслари ҳақида фикр юритганда ёки ёзганда меъёрни сақлаш жуда қийин. Мен халқимизнинг маънавий-ахлоқий кодексига “андиша” тушунчаси билан кирган миллий ўзлигимизга хос назокат, хушмуомалалик, эҳтиёткорликни назарда тутяпман. Назаримда, бу миллий характеримизни бугунги глобал ва ўзгарувчан дунёга мослаштириш вақти келди”.

Жўн гаплар эмас бу мулоҳазалар. Муаллиф муҳтарам Президентимизнинг Марказий Осиё миқёсида тутган ўрни ҳақида сўз оча туриб, асрлар мобайнида ардоқлаб келинган гўзал фазилатларимиздан бирини бугунги кун глобал дунё контекстида муҳокама марказига олиб чиқмоқда. Хусусан, нарсаларни ўз номи билан аташ қадрланаётган ҳозирги замонда айрим тушунчаларимизни “ўзгарувчан дунёга мослаштириш” заруриятига урғу бермоқда.

Бир сўз билан айтганда, Қ.Рафиқовнинг мазкур шарҳи тарихий, фалсафий, сиёсий, маънавий, психологик нуқтаи назардан мутахассислар, сиёсатчилар, шунингдек, кенг омма томонидан катта қизиқиш билан ўқилади.

* * *

Қачон ва қаерда Сурхондарёнинг Сариосиё туманидаги Сангардак тоғ қишлоғи ҳақида сўз очилса, “У ерга бориш-келиш машаққат-да!” дея норозиланиш туйғуси кўндаланг бўлар эди. Буни қаранг, йўл азобини ёдга солувчи ўша манзилмасканда шу йил ёзида “Сангардак” сиҳатгоҳи қад кўтарди-ю, нафақат кайфият, кайфиятга қўшилиб тасаввур-тафаккур ўзгарди. Энди Сангардакнинг булутўпар тоғлари бағридаги “Сангардак” сиҳатгоҳи ҳордиқ чиқариш истагидаги ватандошларимизни, қолаверса, хорижий сайёҳларнинг суюкли ва ардоқли гўшасига айланиши муқаррар.

Китобдан ўрин олган “Тоғларга бўйлашган “Сангардак” мақоласига изма-из берилган “Водий жавоҳири мўъжизалари” мақоласида устоз адиб Абдусаид Кўчимов Фарғона вилоятида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларидан ҳикоя қилади. Таниқли публицист Ҳусан Эрматовнинг Тоғли Қорабоғ сафари таассуротлари ҳаяжон ила ўқилади. Истеъдодли журналист Алижон Абдураҳмонов Бахмал туманидаги Лойқақирқ қишлоғининг кейинги йиллардаги ҳам шаклан, ҳам мазмунан янгилана бораётганини аниқ рақамлар ёрдамида ўқувчи кўз ўнгида гавдалантиради.

* * *

“ISHONCH” ва “Ishonch-Доверие” газеталари Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари федерацияси муассислигида фаолият юритади, бинобарин, газеталар меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилишни ўзининг бош вазифаларидан ҳисоблайди. Газета бош муҳаррири Ҳусан Эрматов ёзганидек: “Мухбирларимиз олиб чиққан муаммолар ўз ечимини топганини эшитсак, биздан бахтлироқ одам бўлмайди”. Шундай экан, “Касаба уюшмаси аралашгач...” деб номланган бўлим учун китобдан бирмунча кенг ўрин берилгани бежиз эмас. Унда турли вилоят ва туман, шаҳар ва қишлоқлардан келган ўндан ортиқ мурожаат касаба уюшмалари аралашуви билан ижобий ечимини топгани қамраб олинган. “Қонунни менсимаслик қимматга тушди”, “Буйруқ ғайриқонуний эди”, “Муаллимлар яна мактабга қайтди”, “Улар ноҳақ ишдан бўшатилган эдилар”, “175 нафар ходимга иш ҳақи ундириб берилди”, “7 минг 219 нафар педагогнинг таътил пули қайта ҳисобланди” сингари сарлавҳаларнинг ўзиданоқ мақолаларда нима ҳақда гап бораётгани, мурожаат сабаблари ва айниқса, эришилган амалий чораларни англаб олиш қийин эмас.

“ISHONCH” саволлари” бўлими аввалги бўлимнинг мантиқий давомидек ўқилади. Эътибор берилса, айни пайтда газеталаримизда савол-сарлавҳалар кўп учрамоқда. Мантиқан мазкур ҳолатни тушуниш мумкин. Зеро, ҳаётимизнинг барча соҳаларида шиддатли ислоҳотлар давом этаётган бир пайтда жавоби топилмаётган ёки вақтида жавоби қайтарилмаётган саволларнинг кўпайиши аҳолининг ҳақли эътирозига, норозилигига олиб келмоқда. Газета бу ўринда кенг омма билан жойлардаги давлат ва нодавлат муассасалари ўртасида воситачилик вазифасини ўтамоқда. “Савол борми, марҳамат қилиб, унга вақтида ва қониқарли жавоб беринг, ҳурматли раҳбарлар!” дея огоҳ этмоқда.




* * *

Ҳар қандай босма нашрнинг салмоғи-салоҳиятини оширишда масалани чуқур ва теран ёритишга бағишланган пишиқ-пухта чиқишларнинг аҳамияти ўзгача, албатта. Табиий, бу йўналишда муаммони таҳлилга тортиш, тадқиқот ўтказиш ва умумлашма хулосалар чиқариш, таклиф-мулоҳазаларни ўртага ташлашга ҳам ҳаётий, ҳам касбий малака-тажриба соҳиб ва соҳибаларигина қодир. Китобдаги “Мулоҳаза, мунозара, таҳлил” деб номланган бўлимдан жой олган мақола муаллифларини ҳозирги кун миллий матбуотимизнинг дарғалари дейиш мумкин. Устоз журналист Эркин Эрназаров “Репетитор нега керак?” дея савол қўймоқда. Дарҳақиқат, репетиторлик авж пардасига кўтарилган замонда яшамоқдамиз. Бунга ҳеч ким қарши эмас, зеро, репетитор ёш авлоднинг билимини оширмоқда, уларни илм-фан сари йўлламоқда. Бироқ бундай “илмпарварлик”да ҳам тош-тарози бор, жаҳон мамлакатлари тажрибаси бор, миллий-маҳаллий шарт-шароит, имкониятлар бор. Масаланинг маънавий, илмий, молиявий жиҳатлари талайгина. Мазкур муаммоларнинг бари ёш, навқирон авлод вакиллари вояга етаётган оилаларга дахлдор десак хато бўлмайди.

Ҳусан Эрматов, Ҳалим Саидов ва Алишер Тоиров матбуот муаммоларидан баҳс очган бўлсалар, Виктор Алимасов, Салим Абдураҳмонов, Дилдора Иброҳимова, Зебо Намозова, Умида Худойберганова, Гулруҳбегим Одашбоева мактаб, илм, билим, таълим ва тарбия мавзуига доир мулоҳазаларни ўртоқлашганлар. Фарҳод Толипов ва Наргис Қосимова эса экология муаммоларига тааллуқли салмоқли қарашларини баён этишган.

* * *

Мамлакатимизда жамият тараққиёти ва равнақига тушов бўлаётган асосий иллатлардан бири коррупция балоси эканлиги очиқ-ошкора эътироф этилганига, зеро, унга қарши кураш давлат сиёсати даражасига кўтарилганига у қадар кўп бўлгани йўқ. Бу иллатга барҳам бериш борасида кундалик матбуот нашрларимиз қаторида “ISHONCH” ҳам четда қолаётгани йўқ. Чунончи, хизмат кўрсатган журналист Эркин Эрназаров ўз ижодий услубидан келиб чиқиб, коррупция балосига қарши кураш борасида жаҳон тажрибаларига мурожаат қилади. Газета мухбири Ғуломжон Мираҳмедов янаям оғриқли мавзу — жиноят кўчасига кирган аёллар муаммосидан ташвишланади. Журналист Нурилла Нўъмонов энергетика муаммоларини биргина Андижон вилояти мисолида ўрганади. Назаримизда, ушбу мавзу барча вилоятлар аҳолисини бирдек ташвишлантираётгани ҳеч кимга сир эмас. Қўшработ туманида 28 минг нусха китоб жамғармаси бўлган ахборот-кутубхона маркази жойдан-жойга кўчавериб сарсони чиқиб кетгани ҳақидаги “Қўшработча кўзбўямачилик”, Жиззахдаги Сангзор дарёсининг зорига қулоқ соладиган мутасадди топилмаётгани ҳақидаги “Сангзорнинг зорини ким эшитади?”, Булунғур сув омбори қурилишидаги сансалорлик тасвирланган “Булунғур сув омбори: қурилишидаги қинғирликлар туфайли муаммолар гирдобида қолган Пахтабоши қишлоғи аҳли дардини кимга айтишни билмаяпти” сарлавҳали танқидий мақолалар “Оғриқ тишлар” бўлимининг салмоғини белгилаган.

* * *

Китобнинг “Мозий, маънавият, маърифат” ҳамда “Ижод уммонидан мавжлар” бўлимларидан жой олган мақолалар ҳам мазмунан, ҳам руҳан бир-бирига яқин, ҳамоҳанг. Хусусан, адабиётимиз, маданиятимиз, журналистикамиз майдонида жавлон урган, бемисл маънавий жасорат намуналарини кўрсатган устоз сиймолар хотирлангани кўнгилда илиқ таассуротлар қолдиради. Наим Каримов, Омон Матжон, Бойбўта Дўстқораев, Аҳмаджон Мухторов, Азим Суюн, Сафар Остон, Шерали Жўраев ҳақидаги хотиралар, шунингдек, Ҳабиб Темурнинг устоз адиб Иброҳим Ғафуровга бағишланган “Гул баргига ёзилган хатлар”, Ҳалим Саиднинг “Мирзо Улуғбек, Мунавварқори, Миллий университет”, Аброр Ғуломовнинг “Туркистонлик легионерлар қисмати”, Маматқул Ҳазратқуловнинг “Кўп асал ейишдан тийила оламизми?”, Алижон Абдураҳмоновнинг “Соч ўстирмайдиган, қўл телефони ишлатмайдиган чемпион” номли жозибадор эссе, мақола, суҳбат ва интервьюлар ҳар қандай нашр саҳифасини безаши ва кенг муштарийлар томонидан манзур кўриб ўқилиши аниқ.

* * *

Газета-журналнинг салмоғини муаллифлар жамоаси, бу жамоанинг салоҳияти белгилайди. Қўлимиздаги мажмуа бу борада ҳам ҳавас қиларли ибрат кўрсатган. Яъни, таҳририятнинг ички ижодий салоҳияти нечоғли мукаммал бўлса, унинг ташқи “жамоаси” ҳам шунчалар бақувват. Китобни варақлаган ҳар қандай ўқувчи шундай хулосага келиши муқаррар.

Сўнгги бўлимдан “Ishonch-Доверие” саҳифаларида рус тилида чоп этилган сара мақолалар жой олгани ҳам эътиборга лойиқ.

* * *

“ISHONCH” газетаси, мана, бир неча йилдирки, оммабоплик борасида мамлакатимизнинг етакчи газеталари сафини эгаллаб келмоқда. Унинг саҳифаларида босилаётган энг долзарб, энг аҳамиятли ва ранг-баранг мақолалар газетхонларга манзур бўлмоқда. Мухтасар айтганда, “ISHONCH” ишонч қозонишда давом этмоқда! Йиллик солномалар эса нафақат мазкур газетага, балки, умуман, босма нашрларга бўлган ҳурмат, муҳаббат ва эътиборни мустаҳкамлашда катта хизмат қилмоқда.

**Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.**

## ФАХРИЙЛАРГА ЭҲТИРОМ

1-б.

Самарқанд вилоят Матбуот уйида “Журналистика, бу – мулоҳаза, мушоҳада ва таҳлил қиладиган соҳа” мавзусида ташкил этилган давра суҳбати доирасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Ризоқул Худойқуловнинг 75 ёшга, фахрий журналист Моҳира Жумаеванинг 70 ёшга тўлиши муносабати билан тантанали тадбир ўтказилди.




Ушбу тадбирда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Фармон Тошев, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари А.Ҳайдаров матбуотимиз фахрийларининг маҳорати бугунги ёш қаламкашлар учун ибрат мактаби, улар босиб ўтган йўл машаққатли ва шарафли эканини таъкидлади.

Шунингдек, Самарқанд вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси бошлиғи Манноб Ибодуллаев, вилоят “Нуроний” жамғармаси ходими Қобилжон Хўжақулов, “Навқирон Нарпай” газетаси муҳаррири Тошпўлат Тошмуродов, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоларидан Матлаб Ҳасанов, Ўринбой Норматов, Дилмурод Дўстмуродов, “Нигоҳ” газетаси муҳаррири Абдуҳамид Худойбердиев қутлуғ ёшини нишонлаётган журналистларнинг ҳаёт йўли ва касбий фаолияти ҳақида сўз юритдилар.

Устоз журналистларга уюшма вилоят бўлими, “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими, “Зарафшон” ва “Самаркандский вестник”, “Овози Самарқанд” газеталари ҳамда Нарпай тумани ҳокимлигининг совғалари топширилди.

## “МАҲОРАТ МАКТАБИ”НИНГ НАВБАТДАГИ МАШҒУЛОТИ



***Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Сирдарё вилояти бўлими қошида фаолият олиб бораётган “Маҳорат мактаби”нинг навбатдаги машғулоти Мирзаобод туманидаги 12-сонли умумтаълим мактабида ўтказилди.***

Машғулотда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, “Янги Сирдарё” газетасининг бўлим мудири Холида Пардабоева, “Ишонч” газетасининг вилоят бўйича мухбири Баҳор Холбекова шу соҳага иштиёқманд бўлган ўқувчиларга журналистиканинг мақола жанри ҳақида кенг тушунчалар берди.

— Мақола ижтимоий ҳаётдаги маълум воқеа, ҳодиса, жараён, вазият ва хатти-ҳаракатларни аниқ факт ва фикр асосида таҳлил қилиш орқали исботловчи журналистик асардир, – дея сўзини бошлади Холида Пардабоева. У журналист мақола ёзиш мобайнида муайян мавзуга доир факт ва далилларни йиғиши, уларни бир-бири билан таққослаши, муҳим ва иккинчи даражали маълумотларни ажрата билиши, воқеа қатнашчиларидан интервью олиши, муаммоларнинг ечимини топиши ва шу орқали мавзуни очиб бериши лозимлигини баён этди.

Истеъдодли журналист Баҳор Холбекова эса муаммоли, мунозарали мақолалар хусусияти, муаммоларни ҳал этиш журналистдан катта маҳорат талаб қилиши ҳақида фикр юритиб, ”Ишонч” газетасида босилаётган танқидий-таҳлилий мақолалар ва уларга газетхонларнинг муносабати ҳақида сўз юритди. Яхши журналист бўлиш учун кўп ўқиш ва изланиш лозимлигини таъкидлади.

Машғулот якунида ўқувчилар мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

**Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Ахборот хизмати.**

ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!

## “Янги Ўзбекистон фотожурналистлар нигоҳида – 2023” фотокўргазмаси ўтказилади

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси “PressPhoto.Uz” фото агентлиги билан ҳамкорликда **“Янги Ўзбекистон фотожурналистлар нигоҳида – 2023”** фотокўргазмаси ўтказилишини эълон қилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасини фотосуратлар орқали оммага кенг намойиш этиш, фотожурналистиканинг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш, журналистиканинг мазкур йўналишида фаолият юритаётган ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ва уларни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилаётган фотокўргазмада маҳаллий ва хорижий ОАВ фотомухбирлари, мустақил фотожурналистлар ҳамда ҳаваскор ёшлар иштирок этиши мумкин.

Анъанавий тарзда ташкил этилиши режалаштирилган мазкур фотокўргазма учун тақдим этиладиган ижодий ишларда юртимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, янгиланишлар, воқеликлар, халқимиз маданий ва ижтимоий турмуш тарзи каби жиҳатлар акс эттирилган бўлиши талаб этилади.

Ижодий ишлар 2023 йилнинг 20 ноябридан 2024 йилнинг 5 январигача Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг (99 466-10-25) рақамига очилган *(O‘zbekiston Jurnalistlar uyushmasi)* телеграми орқали қабул қилинади. Суратлар 3 мегабайтдан кам бўлмаган, 5000x3600 мм, 300 dpi ҳажмда бўлиши, ўн донадан ошмаслиги, ҳар бир фотосурат учун қисқа изоҳ ёзилиши ва барча материаллар битта “zip” папкага жойлаштирилиши зарур. Шунингдек, иштирокчилардан маълумотнома, паспорт ёки ID карта нусхасини юбориши ҳам сўралади.



Тақдим этилган ижодий ишлар нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан кўриб чиқилиб, кўргазмада намойиш этиш учун сараланади.

Фотокўргазма 2024 йилнинг январь ойида ўтказилиши режалаштирилмоқда. Унга кенг жамоатчилик, ОАВ ходимлари, юртимизда фаолият олиб бораётган чет давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам таклиф этилади.

**Мурожаат учун телефонлар:**
**(71) 244-64-62;**
**(71) 244-37-87.**

**Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси.**

## КЕЧИНМА

# ЯШАСИН, ОЗОДЛИК!

*Ёки бир бахтсиз тасодиф туфайли бошимдан кечирганларим*



**Хонадонимиз меҳмонхонаси эшигининг чап табақаси доим очиқ туради. Мен унинг ўнг девори тагида қўйилган диванда оёқларимни эшик томонга узатганча ётибман. Чап оёғим соппа-соғ. Лекин менинг юқори ёки қуйига сурилишимга тиргович бўлишдан бошқасига нафи тегмайди. Хоҳиши бўлса-да, иложи йўқ. Шериги эса бошидан охиригача гипсланган: букилмайди. Тўпиғимдан пастигина ҳаво ва ёруғликдан баҳраманд. Юқориси бундай ҳузур-ҳаловатдан мосуво. Дўхтирнинг тавсиясига биноан тўпиғимдан пастини ҳар замон-ҳар замон оҳистагина чапдан ўнгга, ўнгдан чапга қимирлатиб тураман.**

Ётган жойимдан даҳлизнинг ошхонага чиқадиган қисми кўзга яққол ташланиб туради. Касалхонадан чиққанимдан бери миямда қатор саволлар чарх уриб, кўпроқ вақтим ана шу ерга тикилиб ўтириш билан ўтади. Бу менинг йиқилган жойим. Шу боис оёғимга чанг солган фалокатнинг бирон-бир белгиси кўриниб қолармикан дейман-да. Аммо ҳали кўрингани йўқ. Кўринмаса ҳам керак. Кўринганда нима бўларди? Бўладигани бўлди-ку! Бусиз ҳам дунё кўзимга тор кўриниб, тишимни-тишимга босиб ўтирибман. Лекин отдай одам куппа-кундуз куни, ҳе йўқ, бе йўқ, умрининг ярим асри ўтган қадрдон хонадонида йиқилиб, оёғини синдириб қўйса, алам қилар экан. Яна қаерда денг? Даҳлизда – теп-текис ерда. Эшитганнинг бири: “Фалокат оёқ остида дейдилар, илойим, кўрганингиз шу бўлсин”, деса бири: “Яхшиямки, бошингиз ёки белингизга шикаст етмабди, ўзи асрабди-да”, дейди. Бошқа биров: “Буям Худонинг бир синови, дардини берган шифосини ҳам беради”, дея кўнглимни кўтаради. Оёғим қайрилмаган ёки сирпанмаган бўлса, қандай йиқилишим мумкин? Лаҳзалар ичида рўй берган бу кўргуликнинг бирон-бир сабаби бўлиши керак-ку ахир! Ёдимда. Нонушта қилиб бўлгач, колбаса, пишлоқ ва қаймоқни совиткичга жойлаб, изимга қайтдим. Даҳлизга қадам қўйишим билан қандайдир куч шиддат билан юқорига кўтариб, ерга урди. Гурсиллаб тушдим. Қўрққанимданми ёки оғриқданми, қичқириб юбордим. Яхшиямки, ўғлим билан қизим уйда эди. Югуриб келишди. Мен ҳансирар, пешонамдан совуқ тер қуйиларди. Улар рангим бўздек оқарганини айтиб, икки қанотимдан кўтармоқчи бўлишди. Унамадим. Букланиб қолган ўнг оёғимнинг тиззасига кўзим тушиб, қотиб қолдим. Ошиқ-мошиқнинг усти бармоқ ётадиган даражада чуқурча бўлиб қолган, аммо оғримас эди. Буни кўрган ўғлим билан қизим эс-ҳушидан айрилаёзди.

— Қўрқманглар, болаларим, сингани йўқ, — дедим уларга овозим титраб. — Синганида жим ўтира олмас эдим.

Оёғимга озор бермай ичкарига олиб киришнинг бирдан-бир йўли мени судраш эди. Икки дастёрим бу ишни қийналиб бўлса-да, уддалаб, “тез ёрдам”га сим қоқишди. Вақтни бой бермай кафедрамиз мудири телеграмига дарсга бора олмаслигим сабаби баён этилган хабар юбордим. Бир неча дақиқа ўтиб, журналистика факультетида таҳсил олаётган талабам Мафтуна Самадованинг гуруҳ номидан йўллаган мана бу хати келди: “Ассалому алайкум, устоз! Биринчи дарсга қўнғироқ чалинишига бир неча дақиқа қолганда кафедрамиз мудиридан сизнинг оғир жароҳат олганингизни эшитиб, жуда-жуда ачиндик. Тезроқ соғайишингизни Яратгандан сўраб қоламиз...”

Хатни қайта ўқиганимда, беихтиёр кўзларимга ёш келди. Дарсга боролмаганим сабабли бўлса-да, талабаларим олдида ўзимни гуноҳкордек ҳис этдим. Чуқур хўрсинганимнинг боиси ҳам шу бўлса керак.

Эшик тақиллатиб келган “тез ёрдам”чи икки эркак дўхтир деган зотга мутлақо ўхшамас, улар қуйиб қўйгандек ободонлаштириш хизматининг ишчиларини эслатар эди.

— Нима бўлди? — томдан тараша тушгандай сўради стол атрофидаги стуллардан бирини ўзига қулай жойга қўйиб ўтирган соқоли ўсгани.

— Йиқилиб тушдим, — дедим оёғимни кўрсатиб.

— Укол қилайми? — деди менинг олдимга сумкаси билан тиз чўккани шеригига юзланиб.

— Керак эмас! — дедим соқоли ўсганнинг жавобини кутмай. — Яхшиси, мени травматология марказига олиб боринглар.

— Биз сизни фақат “Главташкентстрой” касалхонасига олиб бориб ташлашимиз мумкин, — қатъий жавоб берди у, — нима қилишни, қаерга олиб боришни улар ҳал қилади.

Ана инсонга бўлган эътибор. Олиб боришлари мумкин эмас, олиб бориб “ташлаш”лари мумкин. Мана сизга тиббиёт ходимининг муомала маданияти. Биз ижодкорлар эса “Она тилимизда тиниқ ва равон ёзиш ва гаплашиш учун ҳаракат қилайлик. Унинг софлигига эришайлик!” — дея бонг урганимиз-бонг урган. Афсус...

— Унда сизларга рухсат, келганларингиз учун раҳмат! — дедим ҳафсалам пир бўлиб.

Улар кетгандан сўнг, яна “тез ёрдам”га қўнғироқ қилиб, вазиятни тушунтирдим.

— Қўлимизда вазирликнинг буйруғи бор, амакижон, — деди аёл киши қатъий қилиб, — унга асосан беморни яшаш жойига қарашли бўлган касалхонага олиб борамиз. Хафа бўлмайсиз, буйруқдан чиқишга ҳаққимиз йўқ...

Мен гўшакни қўйиб, укамга қўнғироқ қилдим. Ярим соат ўтар-ўтмас у етиб келди. Жиянлари билан авайлабгина машинасига ўтқизиб, республика травматология марказига олиб борди. Шифокорлар керакли маълумотни ёзиб олгач, дарҳол рентген қилиб, гипслашди ва замбил аравада лифт билан бешинчи қаватга олиб чиқиб, 21-палатага ётқизишди. Бу ерда ёши етмишга бориб қолган, узун бўйли, озғин, қорачагина бир киши билан қотмадан келган, миқтигина бир йигит ётар эди. Ўрнашиб олганимдан сўнг, саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрашдик. Рўпарамда ётган Мурод ака пойтахтнинг Мирзо Улуғбек, ёнимдаги Анваржон эса Олмазор туманидан экан. Мурод ака менга ўхшаб, уйида йиқилиб оёғини, Анваржон ўзи арралаган шох билан бирга қулаб, қўлини синдирибди. Икковини ҳам “тез ёрдам” шифокорлари “сизни у ёққа эмас, бу ёққа олиб борамиз” демай, тўғри шу ерга олиб келибди.

Шу куниёқ шерикларим қатори мени ҳам операцияга тайёрлашди. Эртаси куни учовимизни ҳам бирин-кетин тиғ остига олишди. Операция салоҳиятли ёш олим ва моҳир жарроҳ, тиббиёт фанлари доктори Азиз Алимов раҳбарлигида ўз ишининг заргари, тажрибали жарроҳ-шифокор Бахтиёр Камолов ва Рауфхон Қодировлар томонидан амалга оширилди. Жараённи кўриб турмаган бўлсам-да, ҳамма гапни эшитиб турдим. Кейин реанимация, кейин эса яна палата.

Ўша кундан бошлаб кўрмаган азобларни кўра бошладим. Эрта тонгдан муолажа бошланади. Укол кетидан укол. Кейин ингичка найча орқали томирни томчилаб “суғориш”га ўтилади. Бундай пайтда томчилардан кўз узмай, қимирламай ётишга тўғри келади. Шу орада уйимиздагилар хабар олгани келишади. У ёқ-бу ёқни йиғиштириб, ювинтириб қўйишади. Кўнгил тусамагани учунми, номигагина нонушта қиламиз. Мурод ака: “Қани, дунёда нима гап экан?” деб телевизорнинг бу ёғидан кириб, у ёғидан чиқади. Ўша-ўша, ясама кўрсатувлар, олди-қочди гаплар, бачкана қилиқлар, “деди-деди”лар, войдодлар, миш-мишлар, Россия телевидениесидан айнан кўчирилган мантиқсиз “шоу”лар... Буларни кўришга тоқат борми?! Шу боис телевизор томоша қилиш ҳеч кимнинг хаёлига келмайди. Кимдир газета, кимдир китоб варақлайди. Тушдан сўнг шифокорлару ҳамширалар жароҳатимизни кўздан кечириб, дори-дармон билан сийлаб, яна боғлаб қўйишади. Ҳаш-паш дегунча кун ўрнини тун эгаллайди. Ҳамшира ҳаммамизга оғриқ қолдирадиган укол қилади. Мурод ака илтимос қилиб, ухлатадиган укол ҳам олади. Аммо унинг заррача таъсири бўлмайди. Дард кечаси хуруж қилади деганларича бор экан. Кимнинг қаери оғриётгани ўзига маълум. Лекин учовимиз ҳам инграшдан, оҳ-воҳдан тинмаймиз. Анваржон билан Мурод ака ҳамширани чақириб, яна оғриқ қолдирадиган укол олишади. Шундан сўнг кўзлари уйқуга илиниб, хуррак отишади. Айниқса, Анваржоннинг хурраги палатани ларзага келтирмай қолмайди. Қулоғимга пахта тиқиб, бирпасгина ухлашга ҳаракат қиламан. Лекин, оғриқ йўл бермайди. Ўзимни чалғитиш учун кўзларимни юмганча хаёл сураман. Оғриқ эса хаёлдан устун келади. Бу орада Мурод ака уйғониб, “вой жоним”ни бошлайди. Тонг отмай туриб, янгамизга қўнғироқ қилиб: “Ҳалиям ухлаб ётибсанми? Тезроқ кел, жоним азобда қолди”, дейди. Кейин яна инграйди, ихрайди, гўёки янгамизни кўрса, оғриқдан фориғ бўладигандай аламига чидаёлмай, тағин уйига сим қоқади. “Келишинг мунча қийин бўлди?” дейди хотинига войвойлаб. У томондан янгамизнинг овози эшитилади: “Соат энди беш бўлаяпти. Автобуслар юрмай туриб, қандай бораман?” Мурод ака норози оҳангда бир нималар деб ғўлдирайди.Кейин тақдирига тан берибми, бошини ёстиққа қўйганча жимиб қолади. Кўп ўтмай эшик очилиб, ҳамшира дори-дармон тўла аравачасини суриб, укол қилгани киради. Кейин яна оҳ-воҳ. Уколнинг оғриғи учовимизни ҳам бараварига ингратади. Оғриқни сал бўлса-да юмшатиш учун на ўнг, на чап томонингга ёнбошлай оласан.

Бугун ўнинчи кун. Ўн кундирки, минг бир азобни тортиб, тўшакда михлангандай ётибман. Назаримда, бир ойдан бери дард чекаётганга ўхшайман. Озодликдан маҳрум бўлган оёғим эса нафас ҳам ололмайди. Юриш у ёқда турсин, ҳатто ўзини тик ушлаб туролмайди. Сезиб турибман, чап оёғим қаттиқ изтиробда. Шеригини қамалдан олиб чиқиш учун нималарнидир ўйлаётгани, мен билан баб-баробар қайғураётгани аниқ. Лекин у шўрликнинг қамал деворларини бузиб киришга кучи етмайди. Шунга қарамай, шеригини озод кўриш учун жудаям безовта бўлаётганини сезиб турибман. Нима қилсин, эркин бўлгани билан ёлғиз ўзи шеригисиз бир иш қилолмайди, бир ёққа боролмайди. Шеригига ҳамдард бўлганча, туну кун киприк қоқмай термилиб ўтиргани-ўтирган. Ўнг оёғим устидаги зил-замбил гипсни тезроқ улоқтириб, озод бўлишини, биргалашиб чала қолган ишларни битиришни, эзгу ниятлар сари шаҳдам одимлашни истайди. Худога илтижо қилиб, мадад сўрайди. Гўёки буни ҳис этиб тургандай, шифокорлар ҳам дам-бадам хабар олиб, ҳол-аҳвол сўрайдилар. Уларнинг кўрсатмаларига биноан ҳамширалар тин олмайдилар. Гоҳ оёғимга, гоҳ билакларимга игна санчадилар. Ҳар куни юз-юз эллик грамм келадиган учта томчи укол ҳам бор. Бу оёғимни қарамликдан тезроқ қутқариш учун ташқаридан уюштирилаётган ҳужум. Ростини айтганда, озодлик учун гипс ичида бораётган жанг ҳам сусайгани йўқ. Ғалаба сари тобора яқинлашиб борилаётганини даволовчи шифокоримиз Бахтиёр Камоловнинг ҳар куни жароҳатни кўздан ўтказиб, “яхши” деяётганидан ҳам билса бўлади.

Бугун ўн иккинчи кун. Муборак жума куни. Самимий, вазмин, чеҳрасидан нур ёғилиб турадиган Бахтиёр ака одатдагидек ҳаммамиз билан қўл бериб кўришар экан: “Оёқ қандай, Нуриддин ака, безовта қилмаяптими?” — сўради мендан. “Сиз бор жойда оёғим эркалик қилармиди?” — дедим кулиб. “Худо хоҳласа, ҳадемай, кўрмагандай бўлиб кетасиз, — қўшиб қўйди у, сўнг шундай деди: — Менимча, бироз зерикканга ўхшайсиз. Кўпи кетиб, ози қолди. Буёғига жароҳатни кунора дори-дармонлаб, боғлаб қўйилса бас...” “Демак, менга уйга рухсат бермоқчисиз, шундайми?” “Бизнинг режамиз шундай”, деди Бахтиёр ака жилмайиб.

Тушдан кейин шифокорлару ҳамшираларга чин дилдан миннатдорчилик билдириб, палатадошларим билан хайрлашиб, қадрдон гўшамга қайтдим. Ўғлим билан қизим уйни йиғиб-йиғиштириб, ўрнимни тайёрлаб қўйишибди. Остона ҳатлаб уйга киришим билан ўзимни қушдек енгил сездим. “Ўз уйим ўлан тўшагим”, деганларича бор экан. Енгил нафас олиб, ўрнимга чўзилар эканман, Аллоҳга беҳисоб шукроналар айтдим. Кейин... кейин кўзларимга уйқу илиниб, ухлаб қолибман.

Бугун ўнг оёғим тиззасини тезроқ тузатиб, уни гипсдан озод қилиш учун бошланган курашнинг ўн тўққизинчи куни. Бир ҳафтадирки, бу “жанг”га поликлиникамизнинг травматолог-шифокори Ферузжон Бердиев раҳбарлик қилмоқда. У ҳар гал гипс ичидаги аҳволни синчиклаб кўздан кечирар, муолажани шошилмай амалга оширар, ишни тугатгандан сўнг: “Кўз тегмасин, яхши” дерди. Бугун у Бахтиёр Камоловнинг тавсиясига биноан ниҳоятда эҳтиёткорлик билан жароҳатнинг ипини олди. Катта ва кичик жарроҳлик қайчиси билан ҳар бир тола ипни кесаётганини кўриб турдим. Жароҳатим жиз этиб оғримаганига жуда-жуда севиндим. Ферузжон муолажани тугатиб, одатдагидек: “Жуда яхши”, деди.

Ўн олти кундирки, оёғимнинг тезроқ озодликка чиқишини, шериги билан баб-баробар қадам ташлашини, буни кўриб бошим кўкларга етишини кутиб ётибман. Илойим, Худойим ўша кунларга етказсин!

Тушдан сўнг Ферузжон келди. Тиббий сумкасини стол устига қўйиб, ҳол-аҳвол сўради. Мен:

— Худога шукур, шикоятга ўрин йўқ, — дедим.

— Унда гипсни ечамиз, — деди у мамнуният билан.

— Ростданми? — хурсанд бўлиб сўрадим.

— Вақти келди, — деди у сумкасини оча туриб.

У худди узукка кўз қўяётган заргардек, шошилмасдан, жарроҳлик қайчиси билан гипсни кеса бошлади. Бу ишни қойилмақом қилиб, оёғимни спиртли пахта билан артиб қўйди. Ёруғ юзини кўрган оёғим яйраб кетди. Ўзим дунёга қайта келгандай бўлиб: “Яшасин озодлик!” дея ҳайқириб юбордим. Мен бахтли ва бахтиёр эдим. Ҳатто шу заҳоти ўрнимдан туриб юргим келди.

— Қани, оёғингизни секин букинг-чи, — деди Ферузжон ҳаракатимдан кўз узмай.

Ўзимга ишониб-ишонмай, буйруқни бажаришга киришдим.

— Қўрқманг! — деди у оёғимни ушлаб.

Оёғимни букиб-ёзаётганимда: “Оғримаяптими?” — деб сўраб турди. Мен “йўқ” маъносида бошимни тебратиб турдим. Машқ уч-тўрт бор такрорлангач, дўхтир оёғимни эҳтиётлаб жойига қўйди.

— Жуда яхши! — деди у астойдил хурсанд бўлиб. — Энди, одатдагидек, уй ичида “ходунка”га таяниб юриб турасиз. Бугунча оёғингизни ҳар замон-ҳар замон ҳозиргидек аста-секин букиб-ёзиб туринг! Эртага юриш машқини бирга бажарамиз!..

Аллоҳга беҳисоб шукурлар бўлсинки, бир ойлик “жангу жадал”дан сўнг, оёғим яна озодликнинг беқиёс имкониятларидан баҳра оладиган бўлди. Бу жуда ажойиб, бу жуда гўзал! Бу Худойимнинг менга берган синови эмас, олам-олам қувончи, бахти! Энди ўнг оёғим ҳам елкадоши — чап оёғим билан бирга эзгулик, яратиш ва яшнатишдек хайрли ва савоб ишлар сари ғайрат ва шижоат билан одимлайверади, одимлайверади, одимлайверади...

ЯШАСИН, ОЗОДЛИК!

**Нуриддин ОЧИЛОВ.**

## ХОРИЖ

### ПЕНТАГОН РАҲБАРИ КИЕВГА КЕЛДИ

***Пентагон раҳбари Ллойд Остин Украина раҳбарияти билан учрашув ўтказиш мақсадида Киевга келди. Бу ҳақда у ўзининг “X”даги (“Twitter”) саҳифасига ёзиб қолдирди.***



“Украина етакчилари билан учрашиш учун Киевга келдим”, — деди Пентагон раҳбари. Остиннинг таъкидлашича, ташриф давомида муҳим хабарни етказади, яъни: “АҚШ Украинани қўллаб-қувватлашни давом эттиради”.

“Wall Street Journal” газетаси олдинроқ Пентагоннинг Украинага қурол етказиб бериш учун маблағи қолмаётгани ҳақида ёзганди. Бунга қадар ҳарбий идора Украина ҳукуматига ажратилган маблағлар яна қанчага етишига аниқлик киритмаган. Қўшма Штатлар Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати раҳбари Сабрина Сингх бу каби маълумотлар Украинага ҳеч қандай ёрдам келтирмаслиги ва Россия томонидан ўз мақсадларида фойдаланилиши мумкинлигини айтган.

### 48 НАФАР ЖУРНАЛИСТ ҲАЛОК БЎЛДИ

***Исроил ва ҲАМАС ўртасидаги уруш оқибатида ҳозирга қадар 48 нафар ОАВ ходими ҳалок бўлди. Бу ҳақда халқаро Журналистларни ҳимоя қилиш қўмитаси хабар берди.***




Ташкилот маълумотларига кўра, ҳалок бўлганларнинг 43 нафари фаластинлик, тўрт нафари яҳудий ва бир нафари — ливанлик. Яна тўққиз нафар журналист яраланган, уч нафари бедарак йўқолган, 13 нафар ОАВ ходими эса ҳибсда.

“Ғазодаги журналистлар катта хатарга дуч келмоқда, улар Исроилнинг қуруқликдаги ҳужуми вақтида, жумладан, авиазарбалар берилаётган, алоқа ва электр энергияси узоқ вақт ўчиб қолаётган ҳолатда можарони ёритишга уринмоқда”, — дейилади хабарда. Қўмитадагиларнинг таъкидлашича, журналистларнинг аксарияти урушнинг биринчи кунида ҳалок бўлган — олти нафар. 18 ноябрда эса беш нафар ОАВ ходими ўлган.

### ЭРОН ЯНГИ ҚАНОТЛИ РАКЕТАСИНИ ТАҚДИМ ЭТДИ

***Ислом инқилоби қўриқчилари корпусининг Аэрокосмик кучлари гипертовушли янги “Фаттоҳ-2” деб номланган қанотли ракетани тақдим этди.***



Эрон давлат ахборот агентлиги “IRNA” хабарига кўра, биринчи авлод қанотли ракеталари дастлабки қувватни таъминлаш учун оддий ракета двигателлари, шунингдек, ҳаракатни бошқариш учун турбореактив двигателлар билан жиҳозланган. Янги авлод “Фаттоҳ-2” ракеталари эса ҳаво-реактив двигатели билан жиҳозланган.

Июнь ойида Эрон ҳукумати мамлакатда ишлаб чиқарилган биринчи гипертовушли баллистик ракета — “Фаттоҳ”ни намойиш қилганди. Эрон ўз арсеналида гипертовушли технологияларга эга бўлган дунёдаги тўртинчи давлатга айланди.

### НЕМИС СИЁСАТЧИЛАРИГА ЁҚМАГАН ТАШРИФ

***Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоған Германия канцлери Олаф Шольцнинг таклифига биноан Берлинга ташриф буюрди. Бироқ мамлакатдаги бир қатор маҳаллий нашрлар Эрдоғаннинг кутиб олиниши ҳеч қандай илтифотларсиз кечгани ҳақида ёзмоқда.***



Баъзи немис сиёсатчилари Эрдоғаннинг ташрифини бутунлай бекор қилишга чақиришди, бироқ Шольц кескинликка бормасликка қарор қилган ва ташриф ёпиқ эшиклар ортидаги битта учрашув ва тушлик билан чекланган. Эрдоған Германия Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер билан ҳам бир учрашув ўтказган.

“BBC”нинг ёзишича, пойтахт Берлин марказида мисли кўрилмаган даражадаги хавфсизлик чоралари кўрилган, бу АҚШ Президенти ташрифи пайтидаги хавфсизлик даражасига тенг.

“Германияда ҳокимият тепасида ким бўлишидан қатъи назар, икки давлат ўртасидаги муносабатлар узоқ йиллар давомида бир хил даражада мураккаблигича қолмоқда. Немис сиёсатчилари Эрдоғанни бир неча бор оғир шерик деб аташган. Исроил ва ҲАМАС ўртасидаги уруш эса Берлин билан Анқара ўртасидаги жарликни янада кенгайтириб, икки томонни янада узоқлаштирган кўринади”, деди “BBC”нинг Берлиндаги мухбири Дэмиан Макгиннес.

### ФИНЛЯНДИЯ ЧЕГАРАНИ ТЎЛИҚ ЁПМОҚЧИ

***Финляндия Ички ишлар вазирлиги Россия Федерацияси билан чегарани бутунлай ёпиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқмоқда. Бу ҳақда “MTV3” телеканали ўз манбаларига асосланиб хабар берди.***




“Биздаги маълумотларга кўра, Ички ишлар вазирлиги аллақачон бутун шарқий чегарани ёпиш тўғрисида қарор тайёрламоқда. Бу Финляндияда бошпана изловчиларнинг сони кўпайган тақдирда захира чораси сифатида амалга оширилмоқда”, — дейилади хабарда.

Эслатиб ўтамиз, бир муддат илгари Финляндия бош вазири Петтери Орпо қочқинлар билан боғлиқ вазият туфайли Россия билан чегарадаги тўртта чегара пункти ёпилганини маълум қилганди.

**Интернет маълумотлари асосида
Ислом ЭГАМБЕРДИЕВ тайёрлади.**



# СИНГАПУР "МЎЪЖИЗАСИ"НИ КИМ ЯРАТГАН?

1-б.

Мамлакатда янги мактаблар очилди, миллий дарсликлар ишлаб чиқилди, техник таълим тизими яратилди. Сингапур таълим тизими ҳақида сўз борганда, "мўъжиза" сўзи қўлланилади. Дарҳақиқат, қисқа давр мобайнида дунёдаги энг қашшоқ давлатда муваффақиятли таълим тизимини яратиш ҳукумат бошқарувидаги тўғри ёндашувнинг маҳсули ҳисобланади.

Сингапурдаги мактаблар ягона давлат тизими асосида фаолият юритади. Таълим дастури давлат назоратида. Мамлакат таълим тизими меритократияга асосланган бўлиб, ўқувчиларнинг қайси таълим муассасасида ўқишида уларнинг келиб чиқиши ёки моддий имконияти эмас, қобилияти ва интилиши ҳисобга олинади. Мактабнинг бошланғич синфидаги машғулотларда асосий эътибор хорижий тиллар ва аниқ фанлар ўқитилишига қаратилади.

Сингапур мактабларида масофавий таълим шакли деярли ривожланмаган. Ўқувчиларнинг таълим муассасасига қатнаши қатъий назоратга олинган бўлиб, онлайн таълим олиш ҳолатларида таълим вазирлиги қарор чиқариши керак бўлади.

Сингапур мактаб таълимининг муҳим жиҳати — дарслар маҳаллий бўлган хитой, малай, тамил тиллари билан бирга, инглиз тилида ўқитилади. Шунинг учун деярли барча сингапурликлар инглиз тилини мукаммал билади. Бу эса халқнинг Европа ва Осиё цивилизацияси ўртасида воситачи сифатида шаклланишига имкон берди. "Агар сингапурликларни инглизча ўрганишга мажбурласам, қаршилик кўрсатишган бўларди. Агар хитой тилини ўрганишга мажбурласам ҳам, ишнинг пачаваси чиқарди. Аммо мен инглизча ёки ўз она тилини танлаш ихтиёрини ҳар бир ота-онага қолдирдим. Орадан ўттиз йил ўтди ва инглиз тили Сингапурда етакчи тилга айланди", деб ёзади Ли Куан Ю.

Сингапур Республикасининг биринчи Бош вазири (1959-1990) Ли Куан Ю (1923-2015)нинг ислоҳотлари учун бугун мамлакатдаги ҳар бир фуқаро ундан миннатдор. Аввалига баландпарвоз бўлиб туйилган "Учинчи дунёдан биринчи дунёга" шиорини кўп ўтмасдан ҳар бир фуқаро ҳис қила бошлайди.

Бугунги кунга келиб, Сингапур давлатининг йиллик даромади ҳар бир фуқарога 55000 АҚШ долларини ташкил қилади. Буни иқтисодчилар "иқтисодий мўъжиза" деб аташади. Бугун сингапурликларнинг 90 фоизи шахсий уй-жойига эга. Даромади 20 фоиздан кам бўлган оилаларнинг ҳам 80 фоизи шахсий уйларига эгалик қилиши уларнинг юқори турмуш тарзидан дарак беради.

Мутахассислар Ли Куан Юни ғайрат-шижоатда, тафаккур ва жасоратда бир вақтлар ўзининг машҳур "Очиқ эшиклар сиёсати" билан Хитой иқтисодини баланд чўққига олиб чиққан, ялпи ички маҳсулотнинг бардавом ўсишини таъминлаган Дэн Сяопинга қиёслашади. Сингапур босиб ўтган йўлга эътибор берсак, бу қиёснинг ғоят ўринли эканига ишонч ҳосил қиламиз.

"Мендан қисқа вақт ичида Сингапур қандай қилиб дунёнинг ривожланган мамлакатига айлангани ҳақида сўрашади, — дейди Ли Куан Ю. — Мен уларга: "Бу ерда ҳеч қандай сир йўқ, мўъжиза яратганим ҳам йўқ. Шунчаки Ватаним олдидаги бурчимни бажардим, холос", деб жавоб бераман. Ишни шундай ташкил қилдимки, давлат бюджетининг катта қисмини таълим соҳасига йўналтирдим. Муаллимлар мавқеини жамиятнинг қуйи табақасидан юқори мартабага кўтардим. Бизда мўъжиза яратган кишилар, шубҳасиз, муаллимлардир. Улар илм, ахлоқ, меҳнатни севадиган, ҳақиқатни қадрлайдиган янги ватанпарвар, айни чоғда камтарин авлодни тарбиялаб етиштирдилар".

Ўзининг "Учинчи дунёдан биринчи дунёга" номли китобида Ли Куан Ю янги авлод яратган мўъжизаларга доир кўплаб маълумотлар келтиради. Ҳозирги кунда мамлакат аҳолиси 5 миллион киши. Эркаклар ўртача 80, аёллар 85 ёш умр кўришади. Бизнес билан шуғулланиш шароити бўйича жаҳон "Бизнес қилиш" рейтингида Сингапур 1-ўринда туради. Ли Куан Ю мамлакат бош вазири бўлиб иш бошлаган 1959 йилда ялпи ички маҳсулот аҳоли жон бошига 400 АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 1999 йилда бу кўрсаткич 22000 долларга етган. Сингапур рақобатбардошлик бўйича 2015 йил маълумотларига кўра, Швейцариядан кейин иккинчи ўринда туради. Бундан кўринадики, Сингапурда, гарчи буни жаноб Ли Куан Ю эътироф этмаса-да, чинакам "мўъжиза", фаровонлик сари "буюк сакраш" юз берган. Давлат арбоблари, сиёсатдонлару иқтисодчиларни айни шу феноменнинг сири қизиқтиради.

Сингапур деб номланган ушбу шаҳар-давлатнинг барпо этилиш тарихи, ривожланиши ва гуллаб-яшнаши айнан шу инсон билан боғлиқ. Мустақилликка эришганидан сўнг деярли 40 йил ичида Жануби-шарқий Осиёнинг энг қашшоқ ва қолоқ ҳудудидан энг саноатлашган марказига айланган Сингапур Республикаси ҳозирда нафақат Осиё минтақаси, балки халқаро сиёсатда ҳам муҳим аҳамиятга эга давлат ҳисобланади.

Сингапур Малайзиядан 1965 йили ажралиб чиққанда мамлакат қашшоқ ва у ерда коррупция авж олган эди. Порахўрликка қарши курашишга бел боғлаган собиқ бош вазир Ли Куан Ю шундай ёзади: "Агар коррупцияни йўқ қилмоқчи бўлсангиз, дастлаб ўзингизнинг энг яқин уч нафар дўстингизни фош қилинг. Сиз нимага шундай қилаётганингизни аниқ биласиз, улар ҳам худди шундай — нимага фош қилинганини аниқ билишади". У порахўрлик ва қариндош-уруғчиликни бюрократик тизимларнинг офати деб ҳисоблаган. "Коррупцияни йўқ қилиш учун шафқатсиз бўлиш керак, агар қариндошлар ва танишларингиз ҳам пора олсалар, уларни панжара ортига юборишга тайёр бўлишингиз керак", деб ёзади Ли Куан Ю. У ҳеч кимни аямаган ва кечирмаган. Ўзи шакллантирган ҳукумат вазирларидан порахўрликка аралашган бир нечтаси, ҳатто энг яқин дўстини ҳам аяб ўтирмаган.

35 ёшида, 1959 йили Бош вазир лавозимини эгаллаган Ли Куан Ю шундай ёзади: "Менда иккита йўл бор эди: биринчиси, юртни талаш, қариндош-уруғларимни атрофимга йиғиш, уларга мансаб бериш, уларни дунёнинг энг бой одамлари рўйхати эълон қилинадиган "Форбес" журналига киритиш, бунинг эвазига халқни ҳеч нарсасиз қолдириш. Иккинчи йўл, ўз халқимга хизмат қилиш ва мамлакатни жаҳондаги 10та энг ривожланган мамлакат сафига қўшиш. Мен иккинчи йўлни танладим". У ўзи ўйлаганидек Сингапурни энг ривожланган давлатлар сафига қўшди.

Бу натижаларга эришишда Ли Куан Юнинг қарорлари, пок ва ҳалолликка асосланган тамойиллари муҳим ўрин эгаллайди. "Мамлакатга фақатгина унинг майдонига қараб буюк деб таъриф бериш — хато. Давлатни унинг улкан орзулари, ҳалол йўлбошчилари ҳамда меҳнаткаш халқи буюк қилади", деган эди у. Қуйида Ли Куан Юнинг Сингапурни ўзгартира олган 7 қарорини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

**1-қарор.** Тадбиркор ва инвесторлар ишончли ҳимоя остига олинади. Мамлакатда соғлом рақобат муҳити ўрнатилади. Бош вазир Ли Куан Ю хорижий тадбиркор ва сармоядорларга кенг қучоқ очади. Натижада европалик пулдорлар Сингапур томон ошиқадилар. Бу эса давлат ғазнасига маблағ олиб кела бошлайди, ишчи ўринлари яратилишига сабаб бўлади.

Бош вазир топшириғига кўра, маҳаллий ва хорижий тадбиркорлар ўртасида бизнесни осонлаштиришга оид сўровлар мунтазам ўтказилган, тадбиркорлар дардига қулоқ тутилган. Сингапур бугун ҳам Жаҳон банкининг "Бизнес қилиш" рейтингида етакчи ҳисобланади.



**2-қарор.** Ли Куан Ю ихчам, самарадор ва ҳалол ҳукумат яратишга ҳаракат қилган. Сингапурга қўшни давлатларга айнан ана шу жиҳат етишмас эди.

Бош вазир коррупцияга қарши қатъий курашади. У коррупцияга сабаб бўлаётган майда деталларни ўрганиб, уларни йўқ қилишга киришади. Коррупцияга қарши ишлаб чиқилаётган қонунлар холис ва ҳамма учун тенг эди. "Давлат раҳбари бўлишни энг яқин уч дўстингни қамоққа ташлашдан бошла. Шундагина одамлар сенинг ҳалоллигингга ишонишади", дейди у.

**3-қарор.** Ли Куан Ю жамиятда қонун устуворлигининг қатъийлигини ўрната олди. Қонун олдида ҳар бир фуқаронинг тенг жавоб бериши Сингапур муваффақиятининг омили бўлди. "Жазонинг муқаррарлиги коррупцияни жиловлаб турувчи биринчи омилдир. Иккинчи омил — бозор даражасига мос келувчи маошдир. Биз энг кўп маош тўланадиган ўн фоиз кишиларнинг даромадига диққатимизни йўналтирганмиз", дейди у.



**4-қарор.** Ли Куан Юни "иқтидорларнинг раҳнамоси" дейишар эди. У иқтидорли фуқароларни масъулиятли лавозимларга қўйиш ва уларга яхши маош тайинлашга ҳеч қачон иккиланмаган. Шу билан бирга, Сингапурда мансабни суиистеъмол қилиш ҳам аёвсиз жазоланган.

**5-қарор.** Давлат маблағи биринчи галда аҳоли фаровонлиги, саломатлиги ва таълимига сарфланади. 1965 йилда Сингапурда туғилган 1000 нафар боладан 35 фоизи нобуд бўлган бўлса, 1985 йилга келиб, бу кўрсаткич 10 фоизга тушади.

**6-қарор.** Барча мактаблар замонавий таълим масканига айлантирилган. Сингапур болалари жаҳоннинг энг самарали ва яхши таълим тизимлари асосига қурилган мактабларда ўқийдилар. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг "Асосий универсал кўникмалар" рейтингида 15 ёшдаги сингапурлик ўқувчилар математика ва аниқ фанлар бўйича жаҳонда биринчи ўринда туришади. Бу ташкилотнинг ўқувчилар саводхонлигини баҳолайдиган "PISA" тестига кўра, сўнгги 5 йилликда сингапурлик талабалар "муаммоларга ечим топиш" имтиҳонларида мутлақ етакчилик қилишмоқда. Жумладан, 2017 йилнинг 25 декабрида эълон қилинган рейтинг бунинг исботидир.

**7-қарор.** Хориждан энг малакали ўқитувчилар олиб келинган. Таълим соҳасидаги экспертларнинг фикрича, Сингапур иқтисодий тараққиёт ва турмуш даражасини юксалтиришни таълим билан боғлаган. Хусусан, бу ерда биринчи ўринда таълим бериш стандарти ишлаб чиқилади. Бунинг учун катта маблағ сарф қилинади. Айниқса, энг яхши ўқитувчиларни жалб этиш ва уларнинг нуфузини оширишга аввалбошданоқ алоҳида эътибор қаратилган. Ҳозир ҳам Сингапурда ўқитувчиларни жаҳоннинг энг нуфузли таълим муассасалари битирувчиларининг орасидан ёллаш анъанаси сақланиб қолган. Шу билан бирга, бу ўқитувчиларнинг барчаси Миллий таълим институтида қайта тайёрловдан ўтказилади. Бу эса таълим сифатини назорат қилиш ва меҳмон-ўқитувчиларга миллий таълим тизимини ўргатишда муҳим.

"Менинг армоним қолмади. Мен умримни бу мамлакатни бунёд этишга сарф қилдим. Шундан бошқа олий мақсадим ҳам йўқ эди. Йўқотганим — ўз ҳаётим бўлди. Топганим эса — халқимнинг фаровонлиги, муваффақиятли Сингапурдир", дейди Ли Куан Ю.

Дунё сиёсатдонлари Ли Куан Ю қатъият ва ишонч билан ўтказган ислоҳотларни бежиз "инқилобий" деб аташмаган. Унинг биргина тозаликка риоя қилиш борасидаги сиёсати бугун ҳам дунёнинг кўпгина мамлакатлари учун ноёб намуна бўлиб турибди. Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида Сингапурда умуммиллий тозалик кампанияси ўтказилади. Унга кўра, белгиланмаган жойга чиқинди ташлагани, кўчага (жамоат жойларига) тупургани учун катта миқдорда жарима жорий этилади. Масалан, сигарета қолдиғини ерга ташлагани учун 1000 долларгача, бу иш қайта такрорланса 2000 долларгача, учинчи мартасида 5000 долларгача жарима ундирилади. Тўпланган пуллар ахборот технологияларини ривожлантиришга сарфланади.

Ли Куан Ю инглиз, малай, хитой ва япон тилини яхши билгани боис, тахмин қилиш мумкинки, у саводсизликка қарши курашда, аниқроғи, мамлакатда янги илмли авлодни тарбиялашда Япониянинг урушдан кейинги тажрибасини, шубҳасиз, инобатга олган. Унинг "Сингапур: тараққиёт йўли ҳақида аччиқ ҳақиқат", "Сингапур: учинчи дунёдан биринчи дунёга", "Дунё келажаги хусусида шахсий қарашларим" китобларини ўқиган китобхон ўзи учун кўп саволларга, жумладан, ялпи ички маҳсулотнинг ақл бовар қилмас даражада ўсиши, Сингапурнинг Нью-Йорк ва Лондондан кейин дунёнинг энг йирик молия марказига айланиши сабабларини билиб олади.

Шу ўринда айтиш мумкинки, Ли Куан Ю ўзининг: "Ҳамиша ўқувчи, яхши ғояларни ўрганувчи талаба мақомида қолинг", деган қоидасига, аввало, ўзи қатъий амал қилганини сезиш қийин эмас. Бизнингча, у улуғ муаллим Конфуцийнинг бугун ҳам ўз моҳиятини йўқотмаган назарий таълимотини, Хитой раҳбари Дэн Сяопиннинг амалий тажрибасини жуда чуқур ўрганган. Буни қуйидаги мисолларда кўриш мумкин.

Ли Куан Ю сиёсатида Хитой раҳбари Дэн Сяопиннинг ҳам салмоқли "из"лари кўзга ташланади. Бу улуғ ислоҳотчи Хитой давлати раҳбарлигига келгач, энг аввало, Ғарб давлатлари билан яхши муносабатлар ўрнатишга ҳаракат қилади. 1979 йили Оқ уйда АҚШ Президенти Жимми Картер билан учрашади. Япон-Хитой муносабатларида илиқлик пайдо бўлади. 1984 йили Хитой-Буюк Британия келишувига имзо чекилади. Кейинроқ Португалия билан ҳам битим қабул қилинади. Мамлакат иқтисодиётида ғоявий принципларнинг роли камайтирилади. Расмий йиғилишда "Капитализмми ёки социализм?" деган мавҳум баҳсга ўралашиб қолмаслик кераклигини уқтиради. "Мушукнинг ранги қандай бўлиши муҳим эмас, сичқонни тутса бўлди", деган қоидаси дунё бўйлаб қанот қоқади. Мамлакатда "Очиқ эшиклар сиёсати" амалга оширилади.

Шу ўринда эътироф этиш керакки, улуғ донишмандларнинг давлатчиликка доир юқорида келтирилган фикрларининг ҳаётийлигини бугунги Ўзбекистон мисолида яққол кўриш мумкин. Мамлакатимизнинг истиқлол йилларида шаклланган ва кейинги йилларда янги ижтимоий маъно-моҳият касб этган сиёсатида халқимизнинг асрлар синовидан ўтган ҳаётий тажрибалари, улуғ алломаларнинг давлат ва раиятни бошқариш хусусидаги кўрсатмалари, хусусан, Соҳибқирон Амир Темур ўгитларига амал қилиш мавжудлиги сезилади. Шавкат Мирзиёевнинг Президентлик фаолияти халқни тинглашдан бошланди.

Дунё ривожининг бугунги шиддати шундайки, тадбиркорлик, ишбилармонликка кенг йўл очмай, инновацион ғоялар ва технологиялардан унумли фойдаланмай туриб, кўзланган юксак марраларга етиш қийин. Шу боисдан ҳам мамлакат иқтисодиётини либераллаштириш, ижтимоий ҳимояни янада кучайтириш, таълим-тарбия асосларини янгилаш, яхши қўшничилик муносабатларини йўлга қўйиш кейинги йилларда давлат сиёсатининг, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи йўналишлари этиб белгиланди. Мактабгача таълим, инновацион ривожланишга алоҳида эътибор қаратилиши миллий тараққиётнинг янги босқичига ўтишда локомотив ролини бажара бошлади.

Фикр жамиятни ривожланишда, ҳаракатда, соғлом ҳолатда ушлаб туради. Фикр фикрдан унади. Фикрлар хилма-хиллиги ҳаётимизни тараққиёт сари йўналтиради. Фикрсизлик дунёнинг катта бир қисмини титратиб турган шўролар салтанатини инқирозга олиб келди.

Фикр ривожига нима туртки беради? Жамият ҳаётидаги умумий эркинлик, фикрлар хилма-хиллиги, танқидга тўғри муносабат, албатта. Матбуотда қиёсий таҳлиллар, аччиқ, аммо ўринли танқид, эътиборга молик таклифлар қанча кўп бўлса, ҳақиқатни англаш, муаммоларнинг адолатли ечимларини топиш имконияти шунча ошади. Ўз-ўзига танқидий муносабатда бўлган, бошқаларга эмас, энг аввало, ўзига, виждонига ҳисобот беришга одатланган, ўз ҳисоботидан биринчи галда ўзи қониқиш ҳосил қиладиган жамият ҳеч қачон кам бўлмаган ва бўлмайди ҳам.

Дунё фавқулодда шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги вазиятда инсон ва унинг ҳаёти, она заминнинг тақдири, сув ва ҳаво, келажак насллар ризқи билан боғлиқ ўта мураккаб муаммолар ҳам юзага келмоқда. Бу муаммолар бир миллат ёки бир мамлакатга эмас, жами инсониятга тааллуқли экан, ечим йўлларини биргалашиб, ақл-идрок ва яхши қўшничилик тафаккури билан қидиришдек қадим шарқона одоб зарур бўлади.

Бугун дунё харитасидагина эмас, унинг ижтимоий-маънавий қиёфасида ҳам жиддий ўзгаришлар юз бермоқда. Илм-фан тараққиёти натижалари тўла-тўкис инсон фароғати учун хизмат қилмоқда, деб айтиш қийин. Ғарб мамлакатларида йирик саноат корхоналари ишчиларини замонавий роботлар билан алмаштириш режалари амалга оширилаётгани кўпчиликка маълум. Ўзбекистоннинг янги сиёсатида "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун" деган бу ёруғ оламнинг мангу ҳақиқати, фусункор фалсафаси мужассам тамойил устуворлик қилмоқда. Одамлар давлат идоралари учун эмас, давлат идоралари одамлар учун ишлаши керак, деган даъват жамият аъзоларининг қон томирларига янгича куч-қувват, жўшқинлик бахш этди.

Истиқлол йилларида кечган умримизга танқидий кўз ташлаб, хато-камчиликларни таҳлилдан ўтказиб, халқимизнинг салоҳияти ва имкониятларини чамалаб, ғайрат-шижоатга тўла ёшларимизни руҳлантириб, янги ҳаракатлар стратегиясини қабул қилганимиз, халқни тинглаш, унинг ичида бўлиш, муаммоларини ҳал қилиш давлат идораларининг бирламчи вазифасига айлангани Ўзбекистонда янги уйғониш фасли куртак ёзаётгани, мева тугаётганидан далолатдир. Дунёнинг жуғрофий жиҳатдан бир-бирига туташиб кетган неча-неча давлатларида диний ва ирқий можаролар авж олиб турган бир пайтда Президентимизнинг: "Ўзбекистон ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдоридир. Биз Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳеч истисносиз барча масалалар бўйича оқилона муроса асосида ҳамкорлик қилишга тайёрмиз", деган сўзлари ва бу ниятнинг босқичма-босқич амалга ошаётгани кўпларнинг ҳавасини келтирмоқда. БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш, инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар Ал-Ҳусайн мамлакатимизга ташрифлари чоғида бу сиёсатнинг самараларини ўз кўзлари билан кўришди, миллий ва умуминсоний қадриятлар Ўзбекистонда юксак мақомга эга эканлигига ишонч ҳосил қилишди. Самарқандда ўтказилган "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзусидаги халқаро анжуман мамлакатимизнинг янги халқчил йўли, инсон омилига бўлган юксак эътиборни дунёга намоён этди.

Бир вақтлар Япониянинг собиқ бош вазири, таниқли иқтисодчи Танака: "Аллоҳ яратган ерости ва ерусти бойликларидан кимнинг фойдаланиши эмас, уларнинг ҳазрати Инсонга хизмат қилиши муҳим", деган эди. Ўзбекистоннинг яхши қўшничилик сиёсати замирида айни шу теран маъно мавжуд.

**Хуррам РАҲИМОВ,**
**Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети профессори,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

## ТАЛҚИН

**Турк-ислом адабиётида Аллоҳ таолонинг борлиги, бирлиги, қудрати, исм ва сифатлари ва уларнинг намоён бўлиши — тажаллиси ҳақида сўз юритувчи шеърий-насрий адабий жанрнинг номи тавҳид дейилади. Тавҳидлар мазмунига кўра, одатда, иккига бўлинади: шаръий ва тасаввуфий.**

**Қуйида Бобурнинг уч асаридаги назмий тавҳидларга тўхталишни ният қилдик.**

**Билол ЮЖЕЛ,**
**туркиялик олим, профессор.**



# ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР АСАРЛАРИДА ТАВҲИД

## 1. Бобур девонидаги тавҳид

Бобур девонидаги тавҳидлардан маснавий шаклида ва “фаулун фаулун фаулун фаул” вазнида ёзилган тўққиз байтлик тавҳидга эътибор қаратамиз. Девонда бу тавҳид 43 байтлик маснавийнинг бошида, Истанбул университети нусхаси (96б-97а) ва Исломобод нусхаси (359-360) охирида жойлашган.

Девондаги тавҳид:

*Сипосу ситойиш Худовандға*
*Ки, андин кушод ўлди ҳар бандға.*

“Шукр ва ҳамд Аллоҳгадир. Чунки ҳар қандай мушкулот, тўсиқ Аллоҳнинг амри билан бартараф этилгай ва ҳар қандай муаммо — тугун Унинг инояти билан ечилгайдир”.

*Анга не мисолу не монанддур?*
*Худовандларға Худованддур.*

“Унинг на мисоли ва на қиёси бор. У буюкликда, қудратда беназир зот, бутун борлиқнинг, яралмишларнинг Роббисидир”.

*Анга не амиру Анга не вазир,*
*Анга не шабиҳу Анга не назир.*

“Унинг ишларини юритадиган амир ҳам, вазир ҳам йўқ. Унинг тенги ҳам, ўхшаши ҳам йўқдир”.

*Не ёрою не ҳаддурур кишига,*
*Ки, дахл айлагай Тангрининг ишига.*

“Аллоҳнинг ишига аралашишга ва бунга уринишга бандасининг ҳадди сиғмас ва ҳеч ким бунга қодир эмас”.

*Ёмонлиғ била яхшилиғ Ул қилур,*
*Бурунғи била сўнгғини Ул билур.*

“Яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам иншо этгувчи Ўзи, аввалу охир, азал ва абадият ёлғиз Аллоҳгагина аёндир”.

*Азиз Ул қилур, хор ҳам Ул қилур,*
*Шифо Ул берур, зор ҳам Ул қилур.*

“Бандасини юксалтириб азиз қилган ҳам, хор ва фақир қилган ҳам, дард берган ҳам, шифои дармон бергувчи ҳам, йиғлатиб, нола қилдиргувчи ҳам Аллоҳ таолодир”.

*Басе подшони гадо қилғай Ул,*
*Гадоларни ҳам подшо қилғай Ул.*

“Не-не султонларни тахтдан тушириб, бойликларидан айириб, гадога айлантирган ҳам, фақирларни султон тахтига кўтарган ҳам Яратганнинг Ўзидир”.

Бу байт орқали шоир Қуръони каримнинг “Зумар” сурасидаги “Улар Аллоҳ хоҳлаган кишисига ризқни кенг ва тор қилишини билмасмидилар? Албатта, бунда иймон келтиргувчи қавмлар учун оят (белгилар) бордир” дейилган 52-оятига ишора қилмоқда.

Ушбу байтдан кейин асосий мақсадга қуйидагича ўтилади:

*Гадойиға бор шоҳлиқдин нуфур,*
*Не шоҳлиққи дорайндин юз футур.*

“Фақир киши шоҳликдан ўзини олиб қочади. Шоҳлик нима ўзи? Асл орзу қилинган нарса бу — дунё ҳаваси эмас, охиратда Аллоҳнинг ризолигига эришмоқликдир”. Бу ерда “футур” сўфийлик атамаси, Аллоҳнинг фазли билан сайланган ва фарқланганлик маъносидадир.

*Тилармен гадойиға бўлсам гадой,*
*Бу давлатни қилғай муяссар Худой.*

“Фақирликни севувчилардан бўлмоқликни сўрайман, истайман, Аллоҳ менга шу давлатни, фақирлик давлатини насиб этсин”.

Ушбу охирги байтда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг “Фақирлик менинг фахримдир, у билан фахрланаман” деган ҳадиси шарифини ўзларига шиор қилиб олган сўфийлар каби фақирликни истайди. Тасаввуфий “фақир” атамаси фоний дунё неъматларидан юз буриб, ўзини Аллоҳга бағишламоқ, унгагина суянмоқ, унгагина тобе бўлмоқликдир. Сўфийлар фуқаро деб номлаган фақир мақоми шарафли мартабадир. Фақирлар ўзларини мол-мулкдан айро тутган, яъни ўткинчи дунё ишқидан холи инсонлар. Фақирликнинг ҳақиқати шундаки, банда Аллоҳдан бошқа нарсага муҳтож эмас.



## 2. “Мубаййин” асаридаги тавҳид

Тўхталмоқчи бўлганимиз — “Мубаййин асарининг бошида келган “фоилотун мафоилун фаълун” вазнида ёзилган тўққиз байтдан иборат маснавийдир. Бобуршунос Ўрал Сейҳан “Аруз рисоласи”даги қайдга асосланиб ва асар охиридаги байтни далил сифатида кўрсатиб, “Мубаййин” 928 ҳижрий (мелодий 1522) йилда ёзилганлигини таъкидлайди (2004: XXI-XXII, 205). Ўз ўрнида “Бобурнома”нинг (252-б.) “Тўққиз юз ўттиз иккинчи йил воқеалари”да (1525) “Мубаййин” сафар ойида назмий ифода этилгани ҳақидаги қайд диққатни тортади (Арат 1946: 286).

Энди тавҳидга эътибор қаратамиз:

*Ҳаққа ҳамду сано адо қилдим,*
*Ҳақ оти бирла ибтидо қилдим.*

“Аллоҳга шукур айтиб, ҳамду сано айтиб, уни улуғлаб мадҳ этдим ҳамда ушбуни ҳам унинг номини зикр этиш билан бошладим”.

*Ибтидо қилғулиқ не ким бордур,*
*Қилмасанг оти бирла абтардур.*

Бошланаётган ҳар қандай иш хайрли, омадли бўлмоғи учун Аллоҳнинг исмини зикр этиб бошлаш лозим, агар шундай қилинмаса, бу иш кутилган натижани беролмайди, суст, тўлиқсиз ҳолатда қолиб, якунига етмайди.

*Қодиру баркамол Тенгридур,*
*Қоҳиру Зулжалол Тенгридур.*

“Аллоҳ таоло қудратда тенгсиз, Ўзи хоҳлаганини хоҳлаган вақтида амалга оширгувчи, моҳир, мукаммал, комил зотдир. У чексиз салоҳият, буюклик, улуғворлик соҳиби, ҳамиша мутлақ ғолиб ва олий ҳукм этгувчидир”.

Шоир бу байтда Аллоҳ таолонинг бемисл қудрати, комиллиги, меҳри, қаҳру ғазабига ишора қилиб, ҳеч нарсага, ҳеч кимга муҳтож бўлмаган Зотнинг ягоналигини — ваҳдониятни, буюклигини мадҳ этмоқда.

*Ҳар неким қилса Ул қилур бешак,*
*Ҳар неким қилса Ул билур бешак,*

“Нимаики қилса, шак-шубҳасиз, Ўзи ихтиёр этгандир, борлиқда нимаики содир бўлса, шак-шубҳасиз, билгувчи Ўзидир, бу Унинг азалий ва абадий илм доирасидадир”.

Бу байтда Аллоҳ таолонинг яратувчилик, йўқдан бор этиш санъати, ҳислар оламини ҳам, фикру ўйлару амалларни ҳам, бўлиб ўтган ва рўй беражак нарса ва ҳодисаларни ҳам билиш хусусияти, қудрати ифодаланган.

*Мунтазир раҳматиға гумроҳлар,*
*Муфтаҳир қуллуғи била шоҳлар.*

“Тўғри йўлдан адашганлар Аллоҳнинг раҳматидан, иноятидан, раҳм-шафқати ва мағфиратидан умид қиладилар. Шоҳлар ҳам Аллоҳнинг бандаси эканликлари билан ифтихор қиладилар”.

Бу байтда Аллоҳ таолонинг раҳмлилик ва шафқатлилик сифатлари баён қилинган бўлиб, тасаввуф илмида катта ўринга эга бўлган “ҳавфу режа” тушунчаси бадиий ифода топган. Тасаввуфда “ҳавф” Аллоҳ таолонинг қаҳридан қўрқиб, динда собит бўлмоқ, ҳаром қилинган ишлар ва гуноҳлардан тийилмоқ, ўз айбу нуқсонларидан афсусланмоқдир. “Режа” эса, банда илоҳий раҳматни, яъни Аллоҳнинг карами кенглигини билган ҳолатда, Унинг лутфу иноятидан баҳрамандликни ҳис қилиши, охиратда ажру саодатга эришмоғига умид боғлаб, ўзини бахтиёр санаши, Аллоҳнинг гўзал жамолига етишиш орзусида яшаши билан изоҳланади.

*Ямону яхшиға умид андин,*
*Қўрқмоқ андин-у навид андин.*

“Ёмонликлардан ҳимояланиш ҳамда эзгулигу гўзалликларга етишмоққа умид бергувчи, илтижоларни эшитгувчи ягона Аллоҳдир. Бандаси фақат Унинг қаҳридан қўрқади, Унинг ризолиги учун бўйсунувчан, кўникувчан бўлади, хушхабар ва марҳаматни ҳам фақат Яратгандан кутади”.

Ушбу байт орқали шоир Қуръони каримнинг “Зумар” сураси 53-оятида келтирилган Аллоҳ таолонинг ўта мағфиратли, Ғаффор, ўта раҳмли ва афвни севувчи сифатларини ифода этмоқда.

*Жисмида ҳар нечаки қил бўлса,*
*Қил сени эл танида тил бўлса.*

“Одам танасида қанча тук бўлса, ана шу туклардан зиёд инсонларда тил бўлса...”

*Ҳамдиға зокир ўлса ул тиллар,*
*Деса ҳамдини ойлару йиллар.*

“Ўша тиллар Аллоҳга ҳамд айтмоқ, шукур қилмоқдан тўхтамаса, зикрдан, тасбеҳ, таҳмид айтишдан ойлару йиллар давомида тинмаса...”

*Ул барининг каломи бир бўлғай,*
*Бори ўз ажзига муқир ўлғай.*

“Барчанинг, бутун инсониятнинг сўзи — каломи Яратганга ҳамд бўлса-ю, ҳар ким, ҳар банда Аллоҳнинг улуғлиги олдида нақадар кучсизлигини, шукроналик туфайли тақдир ёзиғига тобелигини тан олса”, дея шоир ўз фикри ва орзуларини бадиий ифода этмоқда.

## 3. “Рисолаи Волидийя” асарининг таржимасидаги тавҳид

“Рисолаи Волидийя” — форсий тилда битилган насрий асар бўлиб, Нақшбандия тариқатининг буюк вакилларидан бири Убайдуллоҳ Аҳрор (1404-1490) томонидан отасининг кўрсатмасига (илтимосига) кўра ёзилган. Асар 1528 йилнинг охирларида Бобур томонидан назмий таржима қилинган.

“Рисолаи Волидийя”нинг аслида бўлмаган, Бобур таржимасидаги шаклида эса асарнинг бошида келган “фоилотун фоилотун фоилун” вазнида назмий ифода этилган етти байтдан иборат қуйидаги тавҳидга эътибор қаратамиз:

*Ҳақ Таолоға дейин ҳамду сипос,*
*Кунҳиға етмес анинг ваҳму қиёс.*

“Аллоҳга чексиз шукурлар, ҳамду санолар айтиб, ризолигимни билдираман. Шубҳасиз, инсоннинг тафаккури, тасаввури ва муқояса кучи Яратганнинг моҳиятини тушунишга етмагай”.

Ушбу байтда қўлланилган сўфийлик атамаларидан бири бўлган “Кунҳ” шахснинг (бу ерда Аллоҳнинг) баъзи ҳақиқатларини билдиради. Ваҳм эса инсоннинг тана кучини ифодалайди.

*Холиқу Қоҳиру Субҳану Азим,*
*Розиқу Қодиру Роҳману Роҳим.*

“У йўқдан яратувчи, ҳар нарсага ҳукмронлик қилувчи, нуқсонлардан холи, пок, юксак, ризқ берувчи, ҳар нарсага қодир, ҳаммага раҳм-шафқатли, охиратда мўминларга эҳсон ва инъомлар ато этувчи зотдир”.

*Авваледурки, бидоят Анга йўқ,*
*Охиредурки, ниҳоят Анга йўқ.*

“У абадийдир, унинг мавжудлигининг бошланиши йўқ. У абадийдир, унинг мавжудлигининг охири йўқ”.

Бу байтнинг биринчи мисрасида Аллоҳ таолонинг муҳим сифатларидан бири бўлган улуғлиги, иккинчи мисрасида эса абадийлиги баён қилинган.

*Йўқ турур ҳеч шерик Анинг ишига,*
*Ўхшамас ҳеч нимага, ҳеч кишига.*

“Ҳеч бир иш унинг изнисиз бўлмас, Унинг шериги ҳам, ўхшаши ҳам йўқ, У туғмаган ва туғилмаган ва унга ҳеч ким тенг бўлолмас”.

Биринчи мисрада Аллоҳ таолонинг гўзал исмларидан бири Воҳиднинг туркча изоҳи ихчам тарзда берилган. Воҳид — бир ва ягона, у тенгсиз, беқиёс маъносида. Бу ерда “Ихлос” сурасининг биринчи мисраси туркий тилда ифодаланган: “Аллоҳ бирдир, ягонадир”. Иккинчи мисрада эса ушбу суранинг охирги ояти туркча баён этилган: “Аллоҳга тенг ва ўхшаш нарса йўқ”.

Кейинги байтда “Ихлос” сурасининг туркий тилдаги мазмуни қуйидагича тасвирланган:

*Эҳтиёжи кишига йўқтур Анинг,*
*Ёру ёвар ишига йўқтур Анинг.*

“Аллоҳнинг ҳеч кимга, ҳеч нарсага муҳтожлиги йўқ, унинг ишларига бировнинг ёрдами, ёру ёварнинг ҳожати йўқ”.

Биринчи мисрада Асма-ул-Ҳуснадан Сомаднинг маъноси баён қилинган. Мавжудотларнинг эхтиёжлари қондирилиши ва ризқнинг якунини белгиловчи, барча яратилган ҳилқатларнинг истак ва илтижоларини қабул қилувчи ягона Роббиси борлиги англатилади. Биринчи байтда “Ихлос” сурасининг иккинчи ояти “Аллоҳ — Сомаддир”, яъни ҳамма яратилмишлар Аллоҳга муҳтождир, лекин У ҳеч кимга, ҳеч нарсага муҳтож эмас”, деб эслатилган. Иккинчи мисрада бу оятга бироз изоҳ берилган.

*Ортмайдур, ҳам бўлмайдур кам,*
*Бор эди, бор дурур, бўлғуси ҳам.*

“У кўпаймайди ёки камаймайди, У аввал ҳам бор эди, ҳозир ҳам мавжуд ва абадий бор бўлажак”.

Бу байтнинг биринчи мисрасида “Ихлос” сурасининг учинчи “У туғмаган ва туғилмаган” ояти шарҳланган.

Юқорида тилга олинган уч байтда Нақшбандия тариқатининг тўрт тамойилидан бири бўлган “Шариат билан зоҳирни поклаш”га ишора бор. Бу тамойилда “Ихлос” сурасининг тажаллиси — зуҳури тафаккур этилган.

*Тил Анинг ҳамдида қосирдур, бил,*
*Бил анинг ҳамдида қосирдур тил.*

“Аллоҳга шукур қилмоқ учун тил — лисон кифоя эмас, у нуқсонли ва кучсиздир, буни яхши бил. Яна шуни яхши билгинки, Аллоҳга ҳамду санолар айтмоққа тил ожиз ва фақирдир. Аллоҳга бутун борлиғинг, қалбинг — зоҳиру ботининг, тоату ибодатинг, илму амалинг билан яқинлаша оласан...”

Хулоса шуки, Заҳириддин Муҳамммад Бобур асарларида Аллоҳга муҳаббат ва ихлос гўзал ва мукаммал бадиий ифода этилган.

Девондаги тавҳид исломий ақидалар асосида ёзилган бўлса, Аллоҳга ҳамд билан бошланган бу тавҳидда илм, қудрат, ирода соҳиби Аллоҳнинг зоти ва улуғ сифатларини ифода этувчи исмлари қўлланилмаган ҳолда изоҳланади. Бобур сўнгги икки байтда ўзининг асл мақсадини ифодалаб, тасаввуфдаги фақир тушунчасини мисраларга жойлайди.

“Мубаййин”даги тавҳид ҳамд билан бошланади, Аллоҳ таолонинг Асма-ул Ҳуснадаги Ҳақ, Қодир, Зулжалол исмлари келтирилиб, қудратлилик, илмлилик, раҳмлилик, ғаффор ва кечиримлилик каби сифатлари ифодаланади. Инсон ҳамиша шукур ва зикрда бўлиши лозимлиги эслатилади.

“Рисолаи Волидийя” таржимасида тавҳиддаги ҳамддан сўнг Аллоҳ таолонинг сифатлари бевосита ва билвосита тасаввуфий нуқтаи назар билан баён қилиниб, Нақшбандия тариқатининг ғояси асосида бетакрор назмий асар яратилган.

Қадимги туркий тилда шеърият санъатининг гўзалликларини санъаткорона, шу билан бирга, содда, равон тарзда юксак маҳорат билан тараннум этган Бобур ўзининг адабий, бадиий, диний ва тасаввуфий билимлари, маҳорати, қудратини биз юқорида тўхталган уч тавҳидда намоён эта олган.

**Мақолани турк тилидан**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилоят бўлими**
**раҳбари, шоира Хуршида ВАҲОБЖОН қизи**
**таржима қилди.**

## НАСР

**Азиз НЕСИН**

# ҚАЙСИ ПАРТИЯ ЮТИБ ЧИҚАДИ

**(Ҳикоя)**



— Мурод оға ҳар нарсани билади, – дейишди.

Қишлоққа келганимда, бир неча маротаба Мурод оғанинг уйида меҳмон бўлгандим. Мурод оғани бу сафар уйидан эмас, қаҳвахонадан топдим.

— Мурод оға, сиз билар экансиз, ҳар ҳолда, шундай дейишди. Қани айтинг-чи, бўлиб ўтаётган бу баҳсларда қайси партия ютиб чиқади? – дея сўрадим.

— Валлоҳи аълам, маълуммас ҳали, – деди.

— Ахир қайси партия кучли бўлса, ўша ютмайдими?

— Йўқ, бир нарса дейиш қийин олдиндан. Оқ қўй оқми, қора қўй қорами, баҳс сўнгида маълум бўлади. Бу қишлоқдагиларнинг қўй билан иши йўқ, қанча сўрама, бефойда. Нега, биласанми? Унда, эшит.

У ўнг оёғини ўзига тортди, ўзига хос қилиб чордана қурди. Яхшилаб ўрнашиб олгач, сигарасини оловлатиб сўз бошлади:

— Аввало, билиб қўй, жиян, бизнинг мамлакатда партия-мартия деган нарса йўқ. Тўғри, бор, фақат номи бор, ҳеч ким партия ҳақида ҳеч нарса билмайди. Биз у замонлар партияни ҳукумат деб билардик. Улкан бино — ҳукумат биноси, унда партия жойлашган дейиларди. Вақт ўтиб, партия иши иш бўлмай қолди, тўғри келган одам аралашадиган бўлди. Тикувчи Комил бир кун ёнимга келиб: “Мурод оға, келинг, сиз билан шу янги партиянинг бўлимини очайлик шу ерда”, деб қолди. “Қани, бу ердан сур, Комилбой, бу сен айтган партия деганинг майда-чуйда сотиладиган дўкон эмас, ишингни қил...” дедим. Унинг изидан адвокат Ризо бей келди. У ҳам бирга партия очайлик, деди. Айтишича, у янги партиянинг каттаси билан гаплашибди, масала ҳалмиш. Мактуб ёзишганмиш. Улар: “Бу мамлакат сўзингизни тинглайди, партиянинг бўлимини очинг”, дейишибди. “Қўйинг, ўғлим, ақлингиз етмаса керагов, — дедим. — Бир пайтлар ўлкамизда “Эркин жамият” номли ташкилот ишга тушганди. Уни қурганларни тошбўрон қилишди. Бирортаси юртимизда қололмади, муҳожирлик тўрвасини елкага осиб, ватандан чиқиб кетишди”. Адвокат Ризо бей: “Ё Худойим-ей, Мурод оға, ҳозир бошқа замон... У даврлар ўтди. Ҳозир Америкада қандай бўлса, бизда ҳам шу. Ҳар бир инсон бирор партия аъзоси бўлишга мажбур”, деди. Унинг гапига кирдик, чўзиб ўтирмай, партия туздик. Биз партия тузгач, бошқа партияда қанча одам бўлса, бари бизга оқиб келаверди. Партиянинг котиби рўйхатга олиб чарчаб кетди. Ўлай агар, бунча одамни нима қиламиз? Мени қўрқув босди, жиян, сўрама... Адвокат Ризо бей бизнинг йўлбошчимиз. Унга хавотирланиб: “Ризо бей, шу рўйхат тўлди дейлик, бошимизга кулфат тушмасин тағин”, дедим. “Ҳеч нарса бўлмайди, – дея далда берди у. — Партиянинг одами қанча кўп бўлса, шунча яхши. Қанчалик тарафдорларимиз кўп бўлса, ҳукумат бизники бўлади”. Бошқа партиядан бизга қўшилаётганлар етмагандек, умрида партия деган сўзни эшитмаганлар ҳам кела бошлади, жиян. Бунинг охири нима бўлади? Ё Худойим... Омонни, замонни англаган борми бирорта? Келган одам партиямизга кирарди. Мамлакат тарафдорларимиз билан тўлди, жиян. Тепадан кимдир билиб қолса, ковушимизни тўғрилаши аниқ. Ҳеч бўлмаса, мен шу партиядан чиқиб, бошқасига кирай, дедим. Бизга партия марказидан табриклар кела бошлади. Бизнинг адвокат Ризо бей шундай нутқ сўзлардики, оҳ-оҳ, гўё олқишдан бозор йиқилиб кетай дерди. Шундай пайтда, жиян, бир хабар келди, партиямизнинг катта бошлиғи келади, деган... Етти ёшдан етмиш ёшга қадар баримиз юрт йўлларига тўкилдик. Кимдир буни кўриб қолса, бизни эгасиз қўйлардай мамлакатнинг тўрт томонига тарқалиб кетибди, дерди. Биз адвокат Ризо бейни яхши нутқ сўзлайди деб юрган эканмиз. Сен нутқни бизнинг катта бошлиғимиздан эшитмабсан. У шундай тўлқинланиб, чайқалиб, ролга кириб гапирардики, миллат ҳўнгир-ҳўнгир йиғларди. Сўнг яна шундай гапирардики, миллатнинг кулавериб ичаги узиларди. Бир йиғлатади, бир кулдиради. Гўё тугмамиз унинг қўлида. Тугмани бу тарафга бураса, тинмай кўзёш тўкамиз, бошқа тарафга бураса, тинмай қаҳқаҳа отамиз.

Нутқ тугагач, партиямиз биносига ташриф буюрди. Адвокат Ризодан:

— Қишлоқнинг аҳолиси қанча? – деб сўради.

Ризо бей:

— Йигирма тўрт минг, – деди.

Катта бошлиғимиз:

— Овоз беришга кирмайдиганларни аҳолига қўшма, – деди.

— Улардан ташқари тахминан ўн икки минг...

— Бизнинг партияга қанчаси аъзо?

— Тўққиз минг...

Катта бошлиқ:

— Ундай бўлса, бу қишлоқда етарлича овоз тўплабмиз, – дея бақириб юборди.

Кейин, жиян, катта бошлиғимиз кетди. Нариги партияни қўрқув босганди. Дарҳол унинг раҳбари қишлоғимизга келди. У келишидан аввал мен партиямиздан чиқиб, бошқасига кирмоқчийдим, улгуролмай қолдим. Бу сафар у ҳам бир нутқ сўзлади. Ўлай агар, жиян, нутқ бўлса, шунчалик бўлади. Масжидда мавлуд ўқилса, бунчалик йиғлашмайди. Нутқи якунида:

— Юртдошлар, — деди, — биз ҳокимият тепасига чиқсак, ҳар бир одамга минг лирадан кредит ажратамиз.

Вой жиян, вой, пул берилишини эшитиб, нариги партияга шундай кўчиш бўлди. Эртаси кун адвокатимиз Ризо бей бошини ушлаб, тиззасини қучоқлаб йиғлай бошлади.

— Нима бўлди, Ризо бей, тишингиз оғрияптими? – дея сўрадим.

— Тишларим протез, минг шукрки, оғримайди. Ундан ёмон хабар бор, барча тарафкашларимиз нариги партияга ўтиб кетишди.

— Бизда ҳеч ким қолмадими?

— Қурувчилар ва кредит берилишини эшитмаганларгина қолди.

Мен ҳам ичбуруғ бўлган одамдай бурала бошладим. Додлаб сочимни юламан, Ризо бей ҳам мендан қолишмайди.

— Ўлай агар, Ризо бей, – дедим, – бундай соч юлиш билан иш битмайди. Тур, биз ҳам нариги партияга кирайлик тезроқ. Кеч қолсак, рўйхат тўлди, деб олишмайди.

— Шошилмай тур, марказга қўнғироқ қилдим, кўрайлик-чи, нима жавоб келар экан?

Жиян, қишлоқда шундай савдолашиш бошланди, шундай савдо қайнади, кўрмадинг, кўрмадинг-да. Миллат пулсевар, болам.

— Бу нима шармандалик, пулни кўчадан супуриб оляпсизларми? – дейман.

— Бу партия фалон пул беряпти экан, – дея оғзимга уришади. Дарёни кўрмай этик ечиладими ҳеч, жиян? Бизда ечилади!

Адвокат Ризо оҳлаганча бошини ушлаб:

— Эвоҳ, овозларни йўқотдик, – дея бақиради. Бақирганидан тоғу тош титрайди.

Шу десанг, партиямиз бошлиғи яна тўрт марта шошилинч келиб кетди. Худо ҳаққи, бир сафар машинадан тушиб ўтирмади, оёғининг чанги билан тўғри устига чиқиб, шундай нутқ сўзладики!.. Аллоҳ-Аллоҳ! Лоф деганинг нима? Бир оғзини очади, миллат кулади, бир оғзини очади, миллат йиғлайди.

Энг охирида:

— Юртдошлар, – деди, — бу ерга мендан аввал биттаси келибди, сизларга сайлов якунлангач, кредит бераман дебди. Биз, худо хоҳласа, ҳокимият тепасига чиқсак, икки минг лирадан кредит ажратамиз.

Оҳ, жиян, йўқ эдинг, кўрмадинг-да. Партиямизнинг тўққиз минг аъзоси бор эди. Саккиз минг етти юзи бошқасига ўтганди. Икки минг лирани эшитганлар яна партиямизга қайтиб келди, авваллари тўққиз минг аъзомиз бўлса, эндиликда ўн бир мингга етиб қолгандик.

8-6.

ТАЪЛИМ

# НИШОННИ АНИҚ ОЛГАН НИШОНОВ

**Атроф-жавонибда куз нафаси кезади. Дарахтларнинг япроқлари тилла рангга кирган. Майин эпкиндан бутоқлардаги барглар чирт-чирт узилади. Икки тарафида бўйчан дарахтлар ўсиб ётган йўл бўйлаб юрамиз. Бирдан кўз олдимизда қўш қаватли қизғиш бино чирой очади. Бу Сардоба тумани, "Қўрғонтепа" маҳалласидаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг ўқув биносидир.**

**Бундан икки йил муқаддам сирдарёлик бир гуруҳ журналистлар Сардоба туманига медиатур уюштирган эдик. Сардоба сув омборининг ўпирилишидан зарар кўрган объектларда бўлиб, одамлар билан "ҳорма-бор бўл" қилгандик. Биз қадам ранжида қилган объектлар сирасида 16-умумтаълим мактаби ҳам бор эди. Мактабга бораверишдаги йўлдан сув омборининг дамбалари кўзга ташланиб турарди. Тошқиндан бино катта зарар кўрмаган: фақат биринчи қаватини сув босган, димоққа зах ҳиди уриларди. Мактаб қайтадан таъмирланган, девору поллар янгидай ялтирарди. Ўшанда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Сирдарё вилоят бўлими мактаб кутубхонасини оталиққа олган эди.**

Орадан икки йил ўтиб, мактаб бутунлай янгича қиёфа касб этибди. 2022 йилнинг январь ойида Зокиржон Нишонов мактабга директор этиб тайинланибди. Раҳбар ташкилотчи бўлса, меҳнат жамоасига ҳам юқади. Халқимизда: "Катта арава қаердан юрса, кичиги ҳам шу ердан юради", деган нақл бор. Янги раҳбар нима каромат кўрсатибди, деб савол беришингиз табиий. Аввало, жамоада ижодий муҳитни шакллантирибди. Маҳалла ва ота-оналар билан мустаҳкам алоқа ўрнатибди.

Журналистикада фактлар гапиради, деган ибора бор. Келинг, яхшиси, ўша фактларни рақамларда ифодалайлик. Нишонов директор лавозимига тайинланган 1 йилу 10 ой оралиғида мактабга 60 та компьютер жамламаси, 10 та принтер, 2 та ноутбук, 19 та "Shang Gong" русумли Хитойда ишлаб чиқарилган тикув машинаси, 5 та дазмол, 19 та интерактив доска, 25 та доска, 23 та телевизор, 5 та видеопроектор, фаоллар зали учун 137 та юмшоқ мебель, ошхона учун 20 та стол, 120 та стул, 45 та кузатув камераси, 24 та "Wi-Fi" тезлигини оширадиган роутер жиҳози, турли русумдаги кондиционер ва овоз кучайтиргичлар олиб келинган. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Мактаб қошида қиймати 450 миллион сўмлик сунъий қопламали футбол майдончаси барпо этилди. Буларнинг барини пулга чақсангиз, алламбало сумма келиб чиқса керак.

Нима, Зокиржон Нишонов киши билмас ғазна топдими? Ё бобосидан қолган катта бойлик бормиди? Йўқ! У имкон қидирди. Халқимиз айтади-ку: "Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади", деб. У ташаббусли бюджет (open budget) танловига ўқитувчилар ва ота-оналарнинг бошини қўшиб овоз йиғди. Икки бор танловда қўли баланд келиб, 2 миллиард 500 миллион сўм маблағ ютиб олди. Мана шу маблағни жой-жойига қўйиб, мактаб ўқув-моддий техника базасини аъло даражага етказди. Айни чоғда мазкур мактаб техника воситалари билан жиҳозланиши бўйича ҳатто шаҳарлардаги манаман деган таълим ўчоқларини ҳам ортда қолдиради.



— Ушбу йўналишдаги ишларимизни яна давом эттирмоқчимиз, — деди З.Нишонов. — Ҳозир ҳисоб-китоб қилаяпмиз. Қўлга киритган техника воситаларимиз соз соатдек чиқиллаб ишлаб туриши учун узлуксиз электр таъминоти керак. Галдаги нишонимиз мактабимизга қуёш панелларини ўрнатишдир.

Замонавий техника воситаларидан устозлар самарали фойдалангандан кейин таълим сифати ҳам ошиб бораверади. Яқинда ўтган фанлар олимпиадасининг туман босқичида мактаб ўқувчилари энг юқори натижани қайд этишди.

З. Нишонов етовида синф хоналари ва фан кабинетларини айландик. Ҳамма жойда энг охирги техникалар ўсиб келаётган ёш авлодга пухта билим беришга шай бўлиб турибди. "Shang Gong" русумли тикув машиналари ҳозирча иккинчи қаватнинг залига жойлаштирилибди. Яқин кунларда ушбу машиналарга алоҳида хона ажратиларкан. Президентимизнинг: "Битирувчи мактабдан битта касбни ўрганиб чиқиб кетсин", деган топшириқларини рўёбга чиқариш учун қулай муҳит яратилмоқда. Қиз боланинг биринчи навбатда бичиш-тикишни эплаши талаб этилади. Қолаверса, чевар қизни барча келин қилишни орзулаши ҳам бор гап.

Мактабда 536 нафар ўғил-қиз таҳсил олади, дарслар бир сменада олиб борилади. Тушдан кейин фан ва спорт тўгараклари гуриллаб ишлаб туради. Биз мактабда бўлган куни кузги таътил давом этаётган бўлса-да, синф хоналари тўла эди. Олий тоифали рус тили ўқитувчиси Раъно Каримова, I тоифали тарих ўқитувчиси Беҳзод Исматовлар билан қисқагина суҳбатлашдик. Улар раҳбарларининг тадбиркорлиги, ишнинг кўзини билишини мақтаб кетдилар.

Камина қайси мактабга борсам, кутубхонани кўрмай қайтмайман. Зиё маскани тўлиқ компьютерлашган. Ўқувчиларнинг электрон китоблардан фойдаланишлари учун барча шароитлар яратилган. Бироқ ҳар тўкисда бир айб деганларидек, бадиий китоблар сони анчагина кам — 585 жилд. Бу ҳар бир ўқувчига 1 тадан сал ошиқроқ китоб тўғри келади, дегани.

— Китоб фондимизни ҳам бойитиш йўлларини қидираяпмиз, — деди З.Нишонов. — Ота-оналар, юқори синф ўқувчилари орасида турли китоб акциялари ташкил қилаяпмиз. Электрон китоблар сони ҳам ортиб бораяпти.

Мактабда бюджетдан ташқари маблағ топишга ҳам эътибор қаратилмоқда. Сунъий қопламали футбол майдони кечки пайт маҳалла аҳолисига ижарага берилаяпти. Тикув цехи ишга тушса, ўқувчи-қизлар тайёрлаган тайёр маҳсулотларнинг сотуви йўлга қўйилади. Мўъжазгина ҳовузда балиқ етиштириш тажриба қилиб кўрилмоқда.

Мактабда олиб борилаётган хайрли ишлар билан танишмоқчи бўлсангиз, биринчи қаватдаги креслода мустаҳкам жойлашиб ўтирганча телевизор мурватини бурасангиз, бас, унга жойлаштирилган турли тадбирларнинг видеолавҳалари бирин-кетин кўз олдингиздан кино тасмасидек ўтаверади. Ўзингизга керакли фактларни ён дафтарингизга ёзиб олаверасиз.

Масканда яна бир ажойиб янгиликка кўзимиз тушди. Шундоқ мактабга кираверишнинг ботиш томонида велосипедлар учун қўналға қилинибди. Чунки 50 нафардан зиёд ўқитувчи ва ўқувчи таълим масканига велосипедда қатнар экан. Бу ҳам саломатликка яхши, ҳам атмосфера ҳавоси булғанмайди.

Чиройли гулзорга асалари ҳам, капалак ҳам парвона бўлади. Биз мактабда бўлган куни туман ўқитувчиларининг қурултойи, 9 ноябрь — Халқаро коррупцияга қарши курашиш кунига бағишланган вилоят семинари ҳам шу мактабда ўтаётган экан. Барча меҳмонлар мактаб жамоасининг аҳиллиги, раҳбарининг ишбилармонлигига ҳавасда. Хаёлимга беихтиёр: "Раҳбарнинг яхшиси ундирар, ёмони сўлдирар", деган мақол келди.

Мактаб синф хоналари ва залларини айланиб, ҳовлига чиқдик. Кўкка бўй чўзган дарахтлар ёнидаги бўш жойларга навниҳоллар қадалибди.

— "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасига иштирокимизни "Устозлар боғи"ни яратиш билан бошладик, — деди Зокиржон Нишонов. — Ҳали бажарадиган ишларимиз кўп.

Нишонов нишонни тўғри оладиган раҳбарлар сирасига киради. Чунки у турли лавозимларда ишлаб обдан пишган. Мазкур мактабга раҳбар бўлиб келгунга қадар тумандаги қурилиш коллежида директор вазифасида фаолият юритган. Таълим тизимимизда шундай раҳбарлар қанча кўп бўлса эди, жамиятимизнинг интеллектуал салоҳияти шунча ўсарди.

**Муҳаммадали АҲМАД.**

**Суратда:** *Сирдарё вилояти ҳокими Акмалжон Маҳмудалиев мактаб раҳбарини фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совға билан тақдирламоқда.*

ҚИСМАТ

# СЎНГГИ ПУШАЙМОНЛИК...



**Юртимизда ҳар бир инсон ҳаётдан бугун рози бўлиши учун ҳамма ишлар қилинмоқда. Хусусан, барча вилоятларда ташкил этилган "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази ҳам бу борадаги ишлар юзасидан яна бир эзгу қадам бўлди. Авваллари ижтимоий кўмакка муҳтож ҳар бир фуқарога алоҳида, хусусан, тиббиёт, таълим, пенсия жамғармаси, кадастр агентлиги ва бошқа ташкилотлар ёрдам кўрсатарди. "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари мана шу тизимнинг барчасини ягона ҳолда бирлаштириб, фаолият кўрсатиши белгиланди. Бунинг учун ҳар бир маҳаллада улар учун алоҳида штат бирлиги ажратилганлиги одилона қарор бўлди, дея оламиз. Демак, давлатимиз томонидан ҳеч бир фуқаро эътибордан четда қолмаслиги ойдинлашади.**

Бироқ танганинг иккинчи томони ҳам бор. Буни биз Сирдарё вилояти, Мирзаобод туманида истиқомат қилувчи ёлғиз яшовчи, 80 ёшли Аҳмад Қаҳрамонов мисолида кўрамиз.

— Кўриб турибсизлар, ер участкам бор. Бироқ яшайдиган уйим хароб аҳволда. Фарзандларим бор. Уларга "Келинглар, ер участкани номларингга ўтказиб бераман. Шу жойга уй қуринглар. Мен ҳам қаровсиз қолмайман", десам унашмаяпти. Буларнинг ҳаммасига айбдор ўзим. Ёшлигимда қари отамга ғамхўрлик қилмай, ҳарбий хизматга кетдим. Қайтиб келганимдан сўнг ҳам отамнинг дол қаддига тиргак бўлмадим. Уйланиб, фарзандли бўлгач фарзандларимга ҳам меҳрибонлик кўрсатмадим.

Давлатимиз меҳрибон. Қаровсиз қолганим йўқ. Яқинда "Инсон" ижтимоий хизматлар агентлиги Сирдарё вилояти бошқармаси бошлиғи ўринбосари Акбар Мирзаханов бошчилигида бир гуруҳ вакиллар ҳолимдан хабар олишди. Тушунаман, давлат томонидан бериладиган моддий-маънавий кўмак ҳақиқатда ёрдамга муҳтожларга берилиши лозим. Мен эса нетонгки, аросатдаги инсонман. Негаки, ижтимоий марказ менга ёрдам берай деса, фарзандларим бор, ёрдам қилмайлик деса аҳволим ночор. Аросатдаги одам, деган сўз айнан мен учун айтилгандек гўё, — деди қария қаҳрамонимиз.

Яна бир Мирзаобод туманида яшовчи 65 яшар фуқаро Абдурашид Набиев ҳеч қаерда рўйхатда йўқ. У эски ишламайдиган "дренаж биноси"ни (агар шундай айтиш мумкин бўлса) ўзига кулба қилиб яшамоқда.

— Ёшлигимда ўт-олов йигит эдим. Отам: "Мен қариб қолдим, кўзимга нур, белимга қувват, кўзимга нур сенсан, ўғлим", деганига қарамай, унга ғамхўрлик қилмадим. Отам қариган чоғида меҳрга зор бўлиб бу дунёни тарк этди. Халқимизда "Ота қарғиши ўқ..." деган нақлнинг нақадар ҳақ эканлигини бугун англаб турибман. Ўшанда отамнинг кўнгли қаттиқ оғриган ва мени... — деб кўзларига ёш олди. — Кўриб турибсиз, энди ўзим отамдан ҳам баттар аҳволдаман. Ота рози Худо рози деган пурҳикматнинг мағзига тушуниб-тушунмай қабул қилган қароримнинг жабрини тортишга маҳкумман. Бундай тақдир ҳеч кимнинг бошига тушмасин, — деди Абдурашид Набиев.

Авлодлар довонида шаклланган пурҳикматлар минг йилликлар силсиласидан ўтганлиги боис ҳам халқимиз томонидан тарбиявий жиҳатдан қўлланиб келинади. Ёшлик қилиб, отага, онага, фарзандларга бемеҳрлик муносабати бир куни ўзимизга ҳам шундай қайтади. Шу сабабдан охиридан қувонтирсин, дейишар, балки.

Албатта, бу каби инсонлар давлатимиз қарамоғида. Бироқ уларнинг ҳолига тушишдек аянчли қисматни ўзлари айтганларидек, ҳеч кимнинг бошига солмасин.

**Баҳром БОЙМУРОДОВ.**

**Азиз НЕСИН**

# ҚАЙСИ ПАРТИЯ ЮТИБ ЧИҚАДИ



**(Ҳикоя)**

**7-б.**

Адвокат Ризо:

— Бу сафар аниқ ютиб чиқамиз, —– дерди.

Фақат Ризо бей эмас, ҳамма шундай дерди. Шаҳарчада шундай савдо-сотиқ бошланди, олдингиси ҳеч нарса эмас.

— Ие, бу нимаси энди? – дейман.

— Нариги партия берган пул тугади, энди сизнинг партия ваъда қилган икки минг лирани кемирмоқчимиз, – дейишарди. Жиян, бизнинг ҳамқишлоқлар доно одамлар! Қўлига тушган пулни ейди, уни еб тугатгач, бошқасига ўтади. Бу сафар нариги партиядагилар ишга киришди. Уларнинг раҳбари келди.

— Икки минг лира берамиз деб сизни алдашибди, – деди.

Партиямиз аъзоларидан бири:

— Алдашгани йўқ, – деди, — қандай алдашади? Биз улар айтган пулни еб тугатдик аллақачон...

Раҳбар:

— Майли, алдашмаган бўлса-ку, майли, – деди, — у партия оила бошига икки минг лира берса, биз киши бошига икки минг лирадан беришга қарор қилдик. Борми бирор гапингиз?

Қишлоқдагилар нутқнинг қолганини эшитиб ўтиришмади. Ҳамма шошилиб у партияга ўта бошлади. Бизнинг партия яна бўшаб қолди. Ризо бей:

— Эвоҳ, сайловда ютқазамиз-ку, – дея тинмай оҳ уради.

Мен бу сафар, яхшиси, у партияга ўтиб қолай дедим. Нариги партиянинг киши бошига икки минг лирадан кредит беришини эшитган ота оиласини кўпайтиришга шошилади. Мулла никоҳ кийиб чарчаб қолди. Ё тавба, бу кетишда мамлакатга сиғмай қоламизов.

— Ие, ўғлим, бу нима қилганингиз тағин? – дея ҳайратланаман.

— Жонажон ватанимиз келажагини яратяпмиз, – дейди.

Ё Худойим, ё товба, Ватан келажаги шундай яратиладими? Шу десанг, жиян, партиямизнинг катта бошлиғи яна ташриф буюрди. Ўлай агар, айни вақтида келди. Агар бир кун кеч қолса, аниқ партиямизда бирорта аъзо қолмасди, нафақат бизда, бошқасида ҳам. Келиши билан шундай нутқ сўзладики...

— Ватандошлар, – дея сўз бошлади, — анави партия сизга киши бошига икки минг лирадан кредит бераман деб алдаган. Билиб қўйинглар, бизнинг партия одам бошига икки минг лира беради, ҳатто фоизини ҳам олмайди.

Эшитганлар партиямизга гур этиб қайтиб келди. Адвокат Ризо сайловда аниқ ютамиз деб дўпписини осмонга отарди.

— Ризо бей, тезроқ шу сайлов бўлса яхши бўларди, – дедим. — Мабодо нариги партиядан келишиб, нархни оширишса, яна ўша ёққа қараб жўнайди бу баччағарлар.

Айтганимдай бўлди. Нариги партия раҳбари келди.

— Ҳамюртлар, – деди, — кредит фоизини олмаслик нима гап? Биз фоиз ҳам олмаймиз, шунингдек, аввалги қарзларингизни ҳам унутамиз. Кредитдан бирорта қарздор одам қолмайди юртимизда, иншооллоҳ!

Майдонни бир кўрмадинг-да, жиян, тўй бўлаётган жойга айланди. Кимдир сурнай чалади, кимдир қўшиқ айтади... Қиёматнинг ўзи!

— Нима қиламиз, Ризо бей? – дея сўрадим.

— Ёндик, Мурод оға, адойи тамом бўлдик, – деди. — Партиямизда бирорта одам қолмади, ҳаммаси наригига ўтиб кетди.

— Юр, биз ҳам вақт борида ўтайлик.

— Шошилма, катта бошлиғимизга хат юбордим. Кўрайлик-чи, кредит қарзларини ўчиргач, устига нима беришар экан?

Сайловда адолат қолмади, болам. Бугун-эрта сайловлар бўладиган, яқин қолгани учун пропаганда тақиқланди, пул берамиз, десаккина келишармиш аъзолар. Афсус, кеч қолдик... Партиямизда нари-бери юз киши бор, нариги партияда эса ўн саккиз минг одамга етибди.

— Ё тавба, Ризо бей, қишлоғимизда бунчалик одам йўқ, булар қаердан келди? – дея савол бердим.

— Кредит қарздорлиги ўчирилишини эшитишди, бир одам партияга иккита деб ёзилди, – деди.

— Биздаги ҳақиқий сайловчилар қанча?

— Ўн икки минг...

— Менга энди рухсат, Ризо бей. Бу иш партия иши. Бу ишда сиқилиш ярамайди. Мен, яхшиси, нариги партияга ўтақоламан. Майлими?

Хуллас, жиян, нариги партияга ўтдим.

Мурод оға қаҳвахоначига учинчи маротаба қаҳва буюрди. Бошқатдан чордана қурди, оёқларини ўзгартирди, ўнг оёғини ияги остига қўйди. Мендан сўради:

— Хўш, жиян, ўзинг айт... Партиянинг бирида ўн саккиз минг аъзо бор, бошқасида эса мингта ҳам чиқмайди. Қани айт-чи, сайловда қайси партия ютиб чиқди?

— Мурод оға, бунинг нимасини сўрайсиз? Албатта, ўн саккиз минг аъзоси бор бўлганида!

— Билмадинг, жиян, билмадинг. Сайловда бизнинг партиямиз, мен тарк этган партия ютиб чиқди. Мен ўшанга овоз бердим, тушундингми? Янги кирган партиямга бермадим. Бизнинг иш шундай, болам. Биттаси келади, икки минг бераман дейди, гур этиб ўшанга ўтишади, бири келади, уч минг бераман дейди, яна гур этиб шунга ўтишади. Бироқ қулоқ солма, сайлов вақти келдими, ҳар ким ўз билганини қилади.

— Майли-ку-я, нега бундай бўлади ахир?

— Жоним жиян, биров келади, икки минг лира кредит бераман дейди, унинг пули бекорга кетсинми? Пули беҳудага кетмасин деб, унинг партиясига ўтилади. Пул қўлга ўтмасдан енгиб чиқилса, бу бошқа гап, худди ўшандагидек... Пулни эшитган яна бошқа томонга ўтади. Аммо сайловлар бошлангач, кўнглига қайси партия ёқса, ўшанга овоз беради. Жиян, шунинг учун бу иш олдиндан маълум бўлмайди. Бирортамизнинг ёқамиздан тутиб сўрасанг, сенга овоз берамиз, деймиз. Ишонма! Этиклар кийилганида маълум бўлади ҳаммаси. Хўш, жиян, қаҳва ичасанми яна?

**Турк тилидан Раҳмат БОБОЖОН таржимаси.**

РАССОМ ХАНДАСИ




**Ҳабибулло МЎЙДИНОВнинг телеграм каналидан олинди.**

Hurriyat
Mustaqil gazeta

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

**Муассис:**
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
*Баҳоси келишилган нархда*

Адади: 3 058
Буюртма — Г-1143
1 2 3 4 5 6

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Топширилиш вақти — 21:00
Топширилди — 21:45

**Телефон:** (71) 244-32-68, 244-32-91
**Тел-факс:** (71) 244-32-80
**Реклама ва маркетинг** бўлими: (71) 244-32-70

ISSN 2181-0680

*Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233*

**Манзилимиз:** 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Э.Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: И.Асилбеков. Мусаҳҳиҳ: З.Ҳасанова.

"Шарқ" НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.